

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети
тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

МУРАТБАЕВА САРВИНОЗ

**ФРАНЦУЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ –
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИ раҳбари: доц. З.Хамидов

Андижон - 2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....3-8

АСОСИЙ ҚИСМ

I БОБ. Француз маърифатпарварлик фалсафасининг шаклланиши

1.1 Маърифатпарварлик фалсафаси шаклланишининг ғоявий асослари..... 9-16

1.2 Монтескье ва Гельвецийнинг жамият тўғрисидаги қарашлари..... 17-29

II БОБ. Француз маърифатпарварлик фалсафаси тараққиётида Жан Жак Руссонинг роли

2.1 Жан Жак Руссонинг ижтимоий-фалсафий қарашлари...30-42

2.2 Жан Жак Руссонинг ахлоқ тўғрисидаги ғоялари.....43-57

ХУЛОСА.....58-63

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 64-65

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маърифатпарварлик - жамият ҳаёти, унинг маънавий - маърифий тараққиётида ахлоқий, маънавий-маданий, илмий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда юзага келган демократик жараёнларни ифода этувчи жараён. Маърифатпарварлик ўз эволюциясида эркин тафаккур, илғор маърифий фаолият, илм-фан, тарбия ва бошқаларни тарғиб қилади. Бундай омиллар асосида маърифатпарварларнинг фикрича, иқтисодий ва ижтимоий, маданий – маърифий соҳаларда юксак ютуқларга эришиш мумкин.

Маълумки, фалсафа тарихида маърифатпарварлик фалсафаси бир қатор мамлакатларда турли шаклларда юзага келган. Ана шундай маърифатпарварлик даврлари ҳам ижтимоий ҳаракат сифатида кўп ҳолларда фалсафий – назарий юксалиш сифатида юзага келди. Ғарб мамлакатларида маърифатпарварлик ҳаракатлари дастлаб Францияда бошланган. Францияда бу жараённинг бошланиши жамиятда барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислохотлар учун шароитлар ва имкониятлар етишганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан тақлиф этилган жамиятни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш концепцияси Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамятига кириб бориши, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши, жамиятни тобора либераллаштириш ва эркинлаштириш йўллари назарий жиҳатдан асослаб берди. Маълумки, ҳар қандай демократия ва либераллашув модернизациясиз, яъни ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг янгиланишисиз амалга ошмайди. Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилиш ўзининг тарихи, қадриятлари, маданияти ва анъаналари асосида бир томондан тарихий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамятининг тажрибаси, ютуқларини ўрганиб, уларнинг илғор жиҳатларидан фойдаланиш ҳамда тадбиқ этиш асосида амалга оширилади. Бу маънода Европа фалсафа тарихини, жумладан, француз маърифатпарварларининг қарашларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бу мавзунинг ўрганиш фалсафа, Ғарб фалсафаси тарихи, каби масалалар билан қизиқувчи китобхонлар ва талабалар учун аҳамиятли бўлиб, бу соҳадаги билимлар уларнинг фалсафий дунёқарашини янада бойитади. Уларга миллий фалсафа ва маданият тўғрисидагина эмас, балки жаҳон фалсафий тараққиётининг тарихи бўйича ҳам янги маълумотлар беради. Шунга кўра, **француз маърифатпарварларининг ижтимоий – фалсафий қарашлари** мазкур БМИ нинг мавзуси сифатида танлаб олинди.

Францияда маърифатпарварлик фалсафаси ХУ111 асрда ўзининг чўққисига кўтарилди. Унгача бўлган даврда бу ерда маърифатпарварлик фалсафасига асос солган мутафаккирлардан ХУ11 асрда яшаган файласуф мутафаккирлардан маърифатпарварларнинг йўлбошчиси ва назарий маслакдоши Франсуа Вольтер, Пьер Бейль, Жан Мелье каби бир қатор олимларни келтириш мумкин. Мазкур БМИ ишида асосан Гельвеций, Монтескье, Руссо ижтимоий - фалсафий қарашларига тўхталамиз.

Европада “маърифатпарварлик” атамаси биринчи бор XVIII асрда яшаган француз шоири Ж.Милтоннинг “Йўқотилган жаннат” достонида қўлланилган эди. Мазкур тушунча кейинроқ кенг тарқала бошлади. Шунинг учун ҳам маърифатпарварлик ҳаракати ҳақида гап кетганда, аввал Франция назарда тутилади

XVII аср Европа тарихига маърифатчилик асри бўлиб кирди. Маърифатчилик ҳаракати ва ғоялари, дастлаб Францияда шаклланди ва бутун Европа бўйлаб тарқалди. Бу даврда маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган маърифатчилик ғояларида ақл идрокка катта эътибор берилди ва жамияти тараққиётига фан ва билим орқалигина эришиш мумкинлиги, тараққиётга тўсиқ бўлган жоҳиллик ва хурофатни бартараф этиш учун маърифат зарурлиги кенг тарғиб қилинди. Маърифатчилик ғояларининг кенг тарқалиши кишиларда келажакка ишончни уйғотди.

XVII асрга келиб Европа давлатларининг ижтимоий сиёсий тараққиёти ўз навбатида турли ижтимоий, фалсафий ва сиёсий ғояларнинг ҳам юзага келишига ва фалсафий ҳамда социологик фанларда турли қарашларнинг ва назарияларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари ёки ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни бошқарувчи, ривожлантирувчи қонунларини тушунишнигина эмас, балки турли ижтимоий ислохотларнинг амалга ошириш йўллари ҳамда жамият қурилишининг табиий ва англаб олинган асослари тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг муаллифлари тарих саҳнасига чиқдилар.

Юқорида қайд этилган француз маърифатпарварлик ҳаракатини икки босқичга бўлиш мумкин. Дастлабки бошланиш босқичида маърифатпарварлик кўпроқ ҳис туйғуга (сенсуализм) асосланган эди. Кейинроқ маърифатпарварликнинг асоси иккиаслик (дуализм) бўлиб, бу омил кўпроқ маърифатпарварлик анча тараққий этган даврда катта ўрин тутган. Францияда маърифатпарварлик ҳаракатига Вольтер, Бейль, Мелье каби мутафаккирлар асос солган бўлсада, маърифатпарварлик кейинчалик Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гельвеций, Руссо, Кондорсе каби файласуф мутафаккирлар асарларида кенг тараққий этган.

Юқорида номлари санаб ўтилган мутафаккирларнинг асарлари, уларда акс этган ғоялар маърифатпарварлик ғояларини нафақат Франция, бутун Европа бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Аста секин маърифатпарварлик ғоялари оммалашиб борди.

Маърифатпарварлик ғоялари Марказий Осиё халқларининг ҳам тараққиётига ва ижтимоий онига таъсир кўрсатди. Бу ғоялар таъсирида XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий озодлик ҳаракати тараққий этди. Маърифатпарварлик ғоялари таъсирида Ўзбекистонда бир қатор ижтимоий-фалсафий оқимлар юзага келдики, улар жамиятнинг ижтимоий тараққиётида ҳамда Ўзбекистонда миллий озодлик ҳаракатининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Ўзбекистонда Завқий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Аваз Ўтар ўғли, Аҳмад Дониш, М.Бехбудий, Мунаввар қори, А.Фитрат, А.Чўлпон, Абдулла Авлоний каби бир қатор маърифатпарварлик вакиллари етишиб чиқди.

Ўзбекистонда маърифатпарварлик доирасида жадидлар ҳаракати шаклланди. Жадидлар бу жараённинг ёрқин ифодаси сифатида тарихга кирди. Ўз замонининг етук, ҳар томонлама онгли, илғор дунёқарашга эга бўлган кишилари қолоқликдан қутулишнинг турли йўллариини таклиф этдилар. Ана шундай турли усуллар доирасида улар илм-фан, маърифат ва маънавиятни юксак ўринга қўйдилар. Улар ўтмиш маданияти, кадриятлари ва маънавиятини тарғиб қилиш билан бирга бу соҳадаги илғор янгиликларни, демак, ҳозирги замон тили билан айтганда, жамиятни замонавийлаштириш (модернизация) масалаларини кўтариб чиқдилар. Маърифатчилар халқни миллий уйғонишга ва илғор тараққиётга даъват қилдилар.

Ўзбек маърифатпарварларининг асосий шиори “Нажот – илму ирфонда” бўлиб, бу шиор орқали маърифатпарварлар миллатни илм фан йўлига, билим олишга, онгини тараққий эттиришга, жаҳоннинг илғор янгиликларини ўрганишга интилиб яшашга чақирдилар. Ҳозирги мустақиллик даврида маърифатпарварларнинг ғоялари ўз даврининг илғор ғоялари эканлиги тан олинди, уларнинг ғоялари Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий қарашлар тараққиётининг муҳим босқичи сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бориши, жаҳонда кечаётган демократик жараёнларда фаол иштирок этиши ва мамлакатда фуқаролик ҳуқуқий жамиятни шакллантириш каби масалаларни ҳал этиш жараёнида албатта, Ўзбекистондагина эмас, Европа мамлакатларида ҳам ижтимоий – фалсафий қарашлар тарихини ўрганиш ва фалсафа тарихидаги илғор ғояларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу нуқтаи назардан умуман маърифатпарварлик ғояларини ўрганиш, уларнинг юзага келиш

эволюцияси, Франция тарихидаги роли ва фалсафий фанлар ривожланишидаги аҳамиятини ўрганиб, француз маърифатпарварлари кўтариб чиққан ўз даврининг прогрессив ғояларини ўрганиш жумладан, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, маънавият соҳасини юксалтириш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ва долзарб масалалардан биридир.

Битирув малакавий ишининг мақсади фалсафа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган француз маърифатпарварларининг ғояларини ўрганиш, бу соҳада ижод қилган буюк мутафаккирларнинг ижтимоий – фалсафий қарашларини таҳлил этишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Мазкур ишнинг объектини фалсафа соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ХУ111 асрда кенг тарқалган француз маърифатпарварлари ғояларини ўрганиш, уларнинг моҳиятини таҳлил этиш ҳамда уларнинг бугунги кун учун аҳамиятини назарий асослаб бериш ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг предмети ХУ111 асрда кенг ёйилган француз маърифатпарварларининг кўзга кўринган намоёндалари Гельвеций, Монтескье, Руссо каби мутафаккирларнинг ижтимоий – фалсафий қарашларини ўрганишдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Танлаб олинган БМИ мавзуси фалсафа тарихида бир қатор тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Мазкур масалада ўзбек олимлари томонидан нашр этилган “Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар”. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004, “Ғарб фалсафаси” Т.: Шарқ, 2004, Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004, “Философия и методология науки” (составитель – Н.Шермухаммедова). Т.: НУУз, 2003, Б. Тўйчиев “Ижтимоий фалсафа”, Т.: Фан, 2011 каби бир қатор тадқиқот ишларини ҳамда чет эл олимлари томонидан нашр этилган кўплаб монографияларни келтириш мумкин (улар адабиётлар рўйхатида келтирилган).

Битирув малакавий ишида қўлланилган методлар: тарихийлик ва мантикийлик, аналогия, анализ ва синтез, солиштириш, кузатиш каби билиш методларидан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти. Мазкур Битирув Малакавий ишида фалсафа соҳасида француз маърифатпарварлари ғояларининг ўрни, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Гельвеций, Монтескье, Руссо каби бир қатор мутафаккирлар фалсафасининг умуман фалсафа тарихидаги роли ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги назарий аҳамияти кабилар ўрганишга ҳаракат қилинган.

Мазкур ишда акс этган материаллардан талабалар ва бу соҳада қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин. Унда келтирилган айрим маълумотлар

фалсафа, фалсафа тарихи, Европа фалсафаси тарихи, миллий истиқлол ғояси ҳамда маърифатпарварчилик ҳаракати ва назарияси билан қизиқаётган мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ҳам муҳимдир.

Битирув Малакавий иши Кириш, учта параграфдан иборат бўлган Асосий қисм, Хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Жами 24 та адабиётлар рўйхати келтирилган. Битирув малакавий иши 65 бетдан иборат. Битирув малакавий иш билан АДҲ АРМ да ва Фалсафа кафедрасида танишиш мумкин.

I БОБ. Француз маърифатпарварлик фалсафасининг шаклланиши

1.1 Маърифатпарварлик фалсафаси шаклланишининг ғоявий асослари

Европа мамлакатлари ичида Франция нисбатан черков таъсирига ўта тушиб қолмаган, унда черков ислохотлари барча соҳаларни тўла қамраб олмаган эди. Бунинг натижасида Францияда ХУ асрдан бошлаб илғор фалсафий, ижтимоий - сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар шакллана бошлади. Бу даврдан бошлаб мамлакатда бир қатор “эркин фикрловчи” файласуфлар етишиб чиқа бошладик, улар кейинчалик Францияда “маърифатпарварлар даври” номи билан тарихга кирган даврга асос солдилар.

Людовик ХIУ нинг тахтга ўтириши билан қирол ҳокимияти Францияда ўзининг юқори тараққиётига эришди. Людовик ХIУ “Давлат бу мен” деган шиорни ўзига қурол қилиб олган бўлиб, мамлакатда истаганча сиёсат олиб борар эди. Шунга қарамайдан иқтисодий соҳа анча тараққий этди. Ҳукумат миллий саноатни тараққий этиши учун ҳаракат қилди. Мамлакат ичида ва ташқи савдо анча ривожланди. Бу жараёнлар билан боғлиқ равишда албатта, илм ва фан тараққий этди.

Юқорида қайд этилган жаарёнлар билан бир қаторда Францияда бир қатор файласуфлар ва мутафаккирлар етишиб чиқдик, уларнинг фалсафий, ижтимоий – сиёсий қарашлари бутун дунёга кенг ёйилди. Айниқса, Пьер Бейлнинг “Тарихий ва танқидий луғат”, “Қишлоқдан келган кишининг саволларига жавоблар” номли асарлари,

Жан Мельенинг “Васиятнома” асари ўз даврининг буюк фалсафий бойлигига айланди. Йирик маърифатпарвар файласуф мутафаккирлардан бири Франсуа Мари Аруэ (Вольтер) бўлиб, у ХУ111 аср француз маърифатпарварларининг буюк йўлбошчиси эди.¹

Вольтер 1694 йилда Парижда туғилган. Вольтер ўз даврининг буюк озодлик куйчиси ҳисобланиб, у фалсафий асарларида асосан ўз даврининг ижтимоий ҳаётига танқидий кўз билан қараган. У Францияда турли табақаларнинг мавжудлиги ва уларнинг айримлари кўплаб имкониятларга эга бўлиши билан бир қаторда қуйи табақага тегишли бўлган аҳолининг аҳволи оғирлигини, турли солиқларнинг кўплиги, қишлоқда ижтимоий ҳаётнинг оғирлиги, оддий халқнинг аҳволи қийинлиги каби масалаларни ўз асарларида кўтариб чиққан. Унинг фикрича, ҳатто черков ҳам бу масалаларда халқнинг томонида эмас. Шу сабабли ҳам черковнинг давлатга бўйсунishi асосий сиёсий масалалардан бири ҳисобланади.

Вольтер ўз асарларида черков ва суд соҳасини тўла ислоҳ қилишни талаб этади. Жумладан, Вольтернинг “Фалсафий мулоҳазалар” номли 1733 йилда ёзилган асари кўпроқ жамиятнинг ижтимоий ҳаётига бағишланган. Сўз, виждон, меҳнат қилиш эркинлиги кабиларни эътироф этган ҳолда айтадики, ҳар бир киши ўз меҳнатини хоҳлаган одамга, истаган соҳасида ва ким кўпроқ ҳақ тўласа унга сотиши мумкин. Унинг асосий талаби “ҳар бир киши эркин бўлиши ва ҳамма тенг бўлиши керак”. Бу қонун оддий ва табиий инсон ҳаётининг талаби. “Тенглик” тушунчаси Вольтер учун қонун олдидаги тенгликни ифода этади.

Вольтер учун идеал жамият бу маърифатпарвар монархия тузумига асосланган жамият. Бундай жамиятда маърифат, таълим тарбия, билим олиш ва ана шундай қадриятлар асосида эркин бўлиш билан бир қаторда инсоннинг тараққиёти учун имкониятлар яратилади. Аммо жамиятда дин билан боғлиқ бўлган ёки қирол ташаббуси билан олиб бориладиган турли урушлар энг оғир жиноят ҳисобланади. Улар ҳатто баъзан тарқаладиган вабо ёки бошқа эпидемиялардан ҳам ёмон. Чунки бундай касалликлар Худонинг иродаси билан тарқалади. Уруш эса якка инсоннинг истаги билан амалга оширилиб, бундай урушнинг натижасида турли вайронликлар юзага келади, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлади, юқумли касалликлар тарқалади. Шу сабабли ҳам бундай нарсалар оғир жиноят ҳисобланади. Бундай ҳолатлар бўлмаслиги учун жамиятда маърифатни, илм фанни, таълим тарбияни кучайтириш зарур. Инсон қанчалик маърифатли бўлиб боргани сари унинг онги ҳам шунчалик ўсиб боради. Илм олиш ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқига айланиши лозим.

¹ История философии. Под ред. Алексеева. М.: Наука, 2004. С. 201.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европадаги мамлакатлар иқтисодий, сиёсий ва илмий-маданий соҳада анча муваффақиятларга эришдилар. Жумладан, Англия Европадаги сиёсий илмий ҳаётга катта таъсир кўрсатиб турувчи улкан давлатга айланган эди. Кейинроқ Англияда конституциявий монархия ўриатилганидан кейин ижтимоий-сиёсий соҳада турли қарашларнинг юзага келиши, уларнинг асосида турли баҳсларнинг бориши, яъни фаол ижтимоий сиёсий уйғониш бирпас тинчиди, зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари ички ислоҳотларни амалга ошириш ва империяни яратишга доир амалий Сиёсий фаолиятга қаратилади.

XVIII асрнинг биринчи ярмида Франция сиёсий ҳаёт ва турли ижтимоий – илмий қарашларнинг туғилиши маркази бўлиб қолди. Шунинг учун бу даврдаги ижтимоий - фалсафий назариялар кўп жихатдан француз файласуфларининг қарашлари асосида ривожланди. Айниқса, бу даврда ижтимоий фалсафий фанларда “маърифатпарварлар” номи билан танилган бир қатор буюк файласуф мутафаккирларнинг қарашлари кенг тарқалди. Демак, XVIII асрда Францияда тараққий этган фалсафанинг марказида француз маърифатпарварлари қарашлари ва фалсафий ёндашувлари туради.

1643 йилдан 1715 йилгача ҳукмронлик қилган Людовик XIV даврида Франциядаги абсолют монархия энг қудратли давлатга айланди. Миллий йигилиш тарқатиб юборилди; зодагонлар асосан давлат хизматчиларига ва қирол саройи амалдорларига айланди, давлат бошқаруви эса марказлаштирилган тусга эга бўлди. Бироқ, Людовик XIV нинг ҳукмронлиги сиёсий таназзул билан якунланди ва бунинг натижасида мафкуравий ихтилофлар вужудга келди.

Франциядаги сиёсий маслақлар қирол ҳокимиятининг ва-қолатсизлиги юзасидан умумхалқ; норозилигини ифода этди. Бошқарувни танқид остига олганлар бошқарувнинг *бирмунча* маърифатлашган ва самаралироқ, абсолют монархияга интилишган.

Лекин Францияда нафақат сиёсий институтлар йўқ эди, шунинг билан бирга назарий сиёсий анъаналар ҳам ривожланмаган эди. Шунинг учун XVIII аср бошида французлар асосан инглизча ғояларга *таянишган*. Янгича либерализм ва янги фаннинг бунёдкорлари сифатидаги Локк билан Ньютон идеал бўлиб ҳисобланишган. Маърифат давридаги таълим олган французлар бошқарувнинг инглизча шаклига намуна сифатида қарашган ва инглизларни ёқловчи, Англиянинг дўстлари бўлишган. Франция мутафаккирлари Вольтер 1720 йилларда, Монтескье — 1730 - йилларда Англияга ташир буюришган.¹

¹ История философии. Под ред. Алексеева. М.: Наука, 2004. С. 119.

Шундай килиб, XVIII асрдаги Маърифат даври ижтимоий узгаришлар ва илмий таракқиёт билан боғлиқ бўлган. Жумладан, Англиядаги Қироллик жамиятига ўхшаган дастлабки илмий жамиятлар XVII аср ўрталаридаёқ вужудга келган. Улар билан бир вақтда илмий ва умумий таълим журналлари, шунингдек, замонавий илмнинг ҳамма жиҳатлари бўйича маълумотлар корпуслари пайдо бўлган.

XVIII асрда Францияда таълим тизимида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Жумладан, университет ҳаётини тегишлича замонавийлаштирилиши амалга ошди. Шу аср охирига келиб немис университетлари илгор позицияларни эгаллаб олишди. Масалан, Иммануэль Кант университет профессорлари каторидан жой олган илк буржуа файласуфларидан бири бўлган эди. Бошқа нарсалардан ташқари, университетларнинг қайта тикланиши ва раванқ топиши жамият тўғрисидаги қарашларнинг ва фанларнинг бирмунча аниқроқ ажралиб туришига ва кейинроқ янада таракқий этишига олиб келди.

XVIII аср охирида янгича интеллектуал давр ҳам вужудга келади. Бутун шу давр мобайнида нафақат савдо-сотиқ ва бошқарув соҳаларида, шу билан бирга ғоялар ва дастурлар соҳаларида ҳам жамиятнинг сциентизацияси, яъни илмийлашиб кучайиб боровчи жадаллик билан юз бера борган. Кўплаб четга чиқишлар ва қаршиликларга қарамадан Маърифат фалсафаси шаклланди. Унинг дастури катта ёки камроқ муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилган.

XVIII асрдаги Францияда турли сиёсий, илмий-фалсафий ва бошқа бахс-мунозаралар шаҳар буржуазиясининг адабий салонларида бўлиб ўтган. Уларда сиёсат, фалсафа, адабиёт ва ижтимоий ҳаётга оид бўлган турли бахсли ҳолатлар, суҳбатлар, жамият тўғрисидаги маърузалар ўзаро кенг ва фаол муҳокама қилинган, Айтиш лозимки, айниқса фалсафа ва адабиёт соҳасида ҳам француз маданиятига хос бўлган нафис ва оммавий услуб дунёга келдики, бундай услуб кейинроқ маърифатпарварлар қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Эҳтимол, бундай бахс - мунозаралар кўплаб янги ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлмаган, янги фикрларни бермаган ва асосан эски ғояларни янгича контекстда замонга мослаштирилган ҳолда эътироф этишдан иборат бўлган. Шундай бўлса ҳам ўша даврдаги илгор инглиз фалсафаси қарашлари кўп жиҳатдан консерватив бўлсада, маълум даражада анъанавий ҳисобланган инглизча тафаккур Францияга тарқалган даврда француз жамиятига нисбатан танқидий муносабат касб этди. Бундай ўзаро мулоқотлар натижасида ва танқидга жавоб тариқасида Францияда ҳам ўзига хос маърифатпарварлар фалсафаси шаклланди.

Маърифат даври фалсафасининг антропология соҳасидаги асосий ғоялари инсоннинг хусусиятлари қандай бўлиши лозимлиги, унинг моҳияти ва тараққиёт омилларининг белгилари қандай, каби масалаларни муҳокама қилган, деб эътироф этиш мумкин. Маърифатпарварлик фалсафасининг ёки бу йўналиш ижтимоий ғоялари асосий жиҳатларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Одамлар ўз табиатига кўра яхшидир. Уларнинг ҳаётий мақсади нариги дунёдаги роҳат-фароғатгина эмас, балки шу дунёдаги фаровон турмушдир.

2. Улар бу дунёда яхши яшашга турли омиллар асосида эришадилар. Ана шундай омиллардан бири бу билимдир. Одамлар билим ва фан ёрдамида ўзларининг иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётини ташкил этадилар.

3. Ўзларининг турмуш тарзини, ахлоқий ҳаётини шакллантирадилар. Аммо бу жараёнга қисман ҳалақит бериши мумкин бўлган ҳодисалар ҳам борки, улар инсоннинг ўз мақсадларига етишишига маълум тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, бу ўринда нодонлик, бидъатлар ва тоқатсизлик ана шулар жумласидандир.

4. Юқорида қайд этилган ҳодисаларнинг олдини олиш учун маърифат катта рол ўйнайди. Демак, уларни бартараф этиш учун маърифат (революция эмас) зарур. Бу нуктаи назардан маърифат революциядан ҳам устун бўлиши мумкин.¹

Француз маърифатпарварларининг фикрича, инсон тобора маърифатли бўлиб боргани сари ўз-ўзидан тарзда янада ахлоклирок бўлиб, унинг тарбияси яхшиланиб боради. Демак, у янада маърифатли бўлиб боради. Бинобарин, олам маърифат ёрдамида янада олга ҳаракат қилади. Маърифат, демак, бошқа омиллар қатори жамият тараққиётининг ҳам асосини ташкил этади.

Француз маърифатпарварларининг ёрқин вакили Гельвецийнинг эътироф этишича, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқи мавжуд бўлиб, у табиийдир. Шахсий ҳуқуқ инсоннинг шахсий манфаати билан боғлиқ. Шахсий манфаатнинг маърифат билан боғлиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса инсоннинг ахлоқий жиҳатларини тараққий этишига катта таъсир этади. Чунки юксак ахлоққа, яъни маърифатга эга бўлган одам фақат яхши нарсани излайди. Инсон маърифатли бўлиб боргани сари у эзгуликка яқинлашиб боради. Унинг шахсий манфаатлари ижтимоий манфаатлар, яъни кўпчиликнинг манфаатларига мослашиб боради. Бундай инсон ўзининггина эмас, кўпчиликнинг мақсадлари йўлида ҳам катта хизмат қилади. Унинг хизматлари шахсий манфаатларидан устун бўлиб, жамиятнинг умумий фаровонлигига кўмаклашади.

Гельвецийнинг фикрича, мулкчилик инсон ҳуқуқини ва шахс эркинлигини таъминлайдиган омил ҳисобланади. Мулкчиликка асосланган жамиятни улар идеал

¹ Рассел Б. История западной философии. Новосибирск, 1999. С. 103.

жамият сифатида таърифлаб, бундай жамиятнинг давлат бошқаруви идеал ва энг самарали ҳисобланади. Бундай бошқарув мамлакат ичкарисида миллий хусусий сармояларни ҳимоя қилади, ундан ташқарида эса протекционизм ва колонизация сиёсатини олиб боради.

Юқорида санаб ўтилган қоидалар абсолют монарх ёки зодагонларнинг манфаатларини ифода этмаган. Улар аввало, хусусий ташаббускорликни ҳимоя этишга ва хусусий мулкчилик ҳуқуқини таъминлашга интиланган ўсиб келаётган буржуазия манфаатларига хизмат қилган. Бундан мақсад савдо-сотиқ ва саноатнинг тез суръатлар билан ҳамда тўсиқсиз ривожлантирилишидан иборат эди.

Француз маърифатпарварлик фалсафасининг йўналишларидан бири сифатида либерализм ғоялари кенг тарқалди. Бундай ғояларнинг марказида индивиднинг фойдали натижаларга эришиш воситаларини рационал, яъни ақлий англаш, инсоннинг барча соҳаларда эркин бўлишга интилиши каби масалалар туради. Маърифатпарвар либерализм тарафдорлари ҳузур-халоват, бахт-саодат ва барча соҳаларда инсон ўзи учун фойда олишга интилишини асосий сабаблар ва асосий қадриятлар сифатида кўриб чиқади.

Маърифатпарвар либерализм ғояларида асосий диққат-эътибор ўз-ўзини ифода этиш эркинлиги ва сўз эркинлигига қаратилган. Ана шу жиҳатдан сиёсий либерализм ва Маърифат даври фалсафаси бир-бири билан ўхшаш. Бу нуқтаи назардан либерал яъни эркинликни тараннум этувчи қадриятлар, толерантлик (бағрикенглик), ошқора ва эркин бахс-мунозаралар фанда ва сиёсатда ҳақиқатга эришишнинг асосий шarti деган фикрни алоҳида тарзда таъкидлайди. Айни пайтда бундай жараёнлар ижтимоий фикрни шакллантириш, шунингдек, маърифатли равишда биргаликда ўзаро бир-бирини белгилаш тарзида ҳам демократия тараққиёти учун учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки эркинликни тараннум этувчи ғоялар ва шу билан бирга маърифат, илм-фан, илғор қадриятлар ва бошқаларни тарғиб қилувчи қарашлар доим ҳам жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилган.

XV111 асрга келиб Европа давлатларининг ижтимоий сиёсий тараққиёти ўз навбатида турли ижтимоий, фалсафий ва сиёсий ғояларнинг ҳам юзага келишига ва фалсафий ҳамда социологик фанларда турли қарашларнинг ва назарияларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари ёки ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни бошқарувчи, ривожлантирувчи қонунларини тушунишнигина эмас, балки турли ижтимоий ислоҳотларнинг амалга ошириш йўллари ҳамда жамият қурилишининг табиий ва англаб олинган асослари тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг муаллифлари тарих сахнасига чиқдилар.

1.2 Гельвеций ва Монтескьенинг жамият тўғрисидаги қарашлари

Француз маърифатпарварларининг вакили Клод Адриан Гельвеций (Claude Adrien Helvetius, 1715— 1771) ҳисобланади. Гельвецийнинг фалсафий қарашларида илм-фан ва инсон масаласи марказий ўрин тутди. Унинг “Ақл тўғрисида”, “Инсон тўғрисида” асарлари машҳур фалсафий асарлар ҳисобланади. У инсонни фақат табиий-илмий нуқтаи назардан изоҳлашга интилади. Гельвеций ўз асарларида илм-фанни асосий ўринга қўяди. Унинг фикрича, жамият тараққиётида ва инсон тараққиётида илм-фаннинг роли улкан бўлиб, бу соҳада фаолият кўрсатадиган кишилар ўзига хос ақл ва қобилиятга эгадирлар. Гельвеций тушунтириш борасида асосий ролини олм - фан ўйнаши ва "илмий" тушунтириш бошқа ҳар қандай тушунтиришдан кўра муҳим эканлигини эътироф этади. У, фан ҳар қандай ҳодисаларни, жумладан, ижтимоий ва рухий ҳодисаларни ҳам изоҳлай олади, деб ишонади.

Гельвеций жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида алоҳида тўхталади. Маълумки, фалсафа тарихида ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида жамият, тарих ва инсониятни ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида турлича ёндашувлари бўлган. Бу нуқтаи назардан масалан, марксизм иқтисодий омилни, гуманизм инсон омилини, бошқа ғоялар табиатни ёки динни, яна бирлари маданият ёки фанни бош ўринга қўйган. Ҳозирги кунда масалан, “сциентизм” ғоялари кенг тарқалган бўлиб, бу оқим жамият тараққиётида фан ва техниканинг ролини асосий ўринга қўяди. Тарих ва ҳар қандай мамлакат тараққиётида фан ва техника иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларга қараганда бирламчи ўрин эгаллайди. Чунки, фан ва техника тараққиёти юқорида қайд этилган барча соҳаларни ўзи билан бирга олға етаклаши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Гельвеций инсон масаласига ҳам катта эътибор қаратади. Гельвеций учун тарихни ҳаракатлантирувчи кучи бу инсоннинг — **шахсий манфаати**. Инсон ўз ҳаётида фақат интилиб яшайди. Лекин бундай интилишларда бошқа омиллар қатори лаззат ва азоб алоҳида рол ўйнайди. Инсон умр бўйи лаззатга интилади ва азобдан кочади. Унинг таъбирича, лаззат ва азоб фақат алоҳида

индивидга хос бўлган эгоистик туйғулардир. Бу туйғуларнинг фақат индивидга хослигини шундай изоҳлаш мумкинки, инсон бошқаларга ҳамдард бўлиши, уларнинг кўнглини олиши ёки ёрдам бериши мумкин, аммо уларнинг туйғусини бўлиша олмайди.¹

Гельвеций инсон фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучларга содда психологик изоҳ беради. Инсоннинг хулқи ҳам лаззатга интилиш ва огрикдан қочиш билан боғлиқ. Гельвеций фикрига кўра, инсоннинг ҳар бир ҳаракати кўпроқ лаззат олиш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳаракатларнинг ҳар бири лаззат олишни таъминлашни енгиллаштиради. Инсон ўз ҳаётида ана шундай воситаларни кўпроқ излаб топиши зарур. Чунки бу воситалар инсоннинг мақсадини амалга ошишига ёрдам беради. Шундай қилиб, Гельвеций мотивациянинг мақсадли назариясини ёклайди.

Гельвеций фикрича, билим тажрибага таянади. У билимнинг тажрибага асосланмаган бирон-бир тури мавжудлигини инкор қилади. Ҳар қандай билим маълум тажриба асосида юзага келади. Бу маънода у эмпирик ҳисобланади. Маълумки, фалсафанинг билиш назариясида

Юқорида қайд этилганидек, Гельвеций инсон ҳаётида лаззат ва азоб алоҳида ўрин тутишини айтади. Унинг фикрича, бу икки туйғунинг инсон ҳаётида муҳимлигини ва улар инсоннинг ўз ҳаётини ташкил этишида ҳамда шахсий манфаатлари доирасида асосий омил эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етмайди. Шу сабабли ҳам Гельвеций, одамларга уларнинг шахсий манфаатларини тушунтириш керак, деб ҳисоблайди. Одамлар нима лаззат, нима огрикқ келтиришини билиб олганларидан кейин, фақат биринчисини ахтара бошлайдилар. Виз "яхши" деб атайдиган нарса лаззатдан бошқа нарса эмас. Ҳар бир киши яхши нарсага интила бошласа, натижа ҳам унинг учун яхши бўлади.

Демак, Гельвеций “яхши нарса” сифатида барча соҳаларда ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий, ахлоқий ва эстетик соҳаларда ҳамда шахсий ҳаётда ҳам лаззатга интилиш инсоннинг ҳаётида уни мақсадларига етаклайди ва мақсадига етишишига катта ёрдам беради. Бу маънода Гельвеций жамият ҳаёти билан инсоннинг шахсий ҳаётини ажратмайди. Чунки, унинг нуктаи назаридан инсоннинг шахсий ҳаёти жамият ҳаётидан ажралган ҳолда тушунилиши нотўғри. Улар ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, инсонларнинг ҳаётида кўпроқ лаззат олишлари жамиятнинг ҳаётини ҳам яхшиланишига албатта, таъсир кўрсатади.

¹ Рассел Б. История западной философии. Новосибирск, 1999. С. 118.

Гельвецийнинг шахсий ва ижтимоий манфаат алокадорлиги тўғрисидаги бу гоёси "Жамиятнинг мақсади — максимал миқдордаги одамлар учун энг куп бахт келтиришдир", деган тамойилдан келиб чиқади. Унинг фикрича, бу гоё жамиятнинг сиёсий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга бундай гоёлар инсоннинг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий ислохотларни ҳимоя қилади. Гельвецийнинг фикрича, шахсий лаззатнинг максималлашуви, яъни тобора кўпайиб бориши, ўз-ўзидан кўп миқдорда барча учун ҳам фойдали бўлган универсал неъматларни юзага келишига сабаб бўлади. Айтиш зарурки, ана шу тамойилга асосланиб, Гельвеций саккиз соатлик иш куни тўғрисидаги гоёсини ҳам илгари суради.

Кўриниб турибдики, Гельвецийни жамиятнинг эркинлиги учун курашган француз маърифатпарвар мутафаккири деб аташимиз ҳам мумкин. Гельвеций — утилитаризм, фойдалилик назариясининг вакили. Бундай фалсафага кўра, инсон ахлоқи ва ҳатти ҳаракатининг тўғри ёки нотўғри эканлигини бу ҳаракатларнинг инсон ва жамият учун қанчалик фойдали ёки зарарли оқибатларга олиб келиши билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ҳати ҳаракатлари натижасида у қанчалик лаззат ёки фойда олиши билан ёки қанчалик азобга тўғри келиши мумкин.

Гельвеций айтадики, ҳар бир индивид амалда ўзи олаётган лаззатни имкони борича кўпайтиришга, яъни максималлаштиришга ҳаракат қилади. Индивиднинг бундай хулки ёки ҳатти ҳаракатлари яхши бўлиб, у лаззатга интилгани сари ўзига ва жамиятга фойда келтиришга ҳам интилади. Кўпроқ лаззатга интилиши билан бирга у кўпроқ фойда ҳам келтиради. Бу ерда фойда унинг учун шахсий ёки ижтимоий бўлиши мумкин. Ҳатто фойда шахсий бўлганда ҳам инсон жамиятнинг аъзоси эканлиги туфайли жамият ҳам фойда кўради. Ҳар бир индивид ўзи олаётган лаззатни максималлаштиришга, кўпайтиришга интилганда, инсон ва жамият ялпи фаровонликнинг энг олий даражасига эриша олади. Ахлоқий нуқтаи назардан олиб қараганда Гельвецийнинг фикрича инсоннинг фойда олишга қаратилган ҳатти ҳаракати яхши хулқнинг белгисидир.

Франциялик адвокат Шарль-Людовик де Секондат (кейинчалик барон де ла Бред ва де Монтескье номини олган) Монтескье Француз маърифатпарварларининг яна бир вакили сифатида тарихга кирган (Montesquieu, 1689—1755). Монтескье XVIII асрдаги энг буюк сиёсий на-зариётчилардан бири бўлган эди. У ҳам сиёсий арбоб, мутафаккир ҳамда ижтимоий қарашлари борасида ўз даврининг илғор кишиси бўлган.

Монтескье ўз даври учун анча яхши таълим олган. У мумтоз фалсафа, адабиёт, жамиятни ўрганувчи бир қатор фанларни кунт билан ўзлаштирган. Кейинроқ у

табиатшунослик фанлари билан ҳам қизиқа бошлади. Ботаника, физика, анатомияни ўрганди. Кейинроқ эса адабиёт, ҳуқуқшунослик ва тарих билан қизиқди. Унинг дастлабки асари “Форсий хатлари” бўлиб, унда Монтескье жамиятнинг ижтимоий турмуши, сиёсий тузумининг негатив жиҳатлари устидан кулади ва жамиятда илғор ислохотларни амалга ошириш вақти келди, деб таъкид жлайди. Унинг фикрича, француз кироли шу даражада кишилар устидан кучли ҳукмронлик қиладики, ҳатто уларнинг фикрлари ва қарашларини ҳам назорат қилади.

Монтескьенинг яна бир машҳур асари “Рим қудрати ва кулашининг сабаблари тўғрисида мулоҳазалар” бўлиб, унда муаллиф тарих, тарихий даврлар, тарихнинг тараққий этган даврлари ҳамда турғунлик даврлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида қарашларини ифода этган.¹ Монтескьенинг фикрича, Рим давлатининг қудратини фуқаролик руҳи ва Рим фуқарорларининг эркинликка муҳаббати ва интилиши белгилайди. Рим империясининг кулаши сабаби эса айнан ана шу омимлларнинг йўқолиб борганлиги билан боғлиқ. Унинг учун идеал мамлакат Англия ва унинг ижтимоий ҳаёти бўлган. Унинг фикрича, Англияда диний толерантлик ҳукмрон бўлиб, унинг аҳолиси бошқа динлар вакилларига ҳурмат билан қарайди. Шунинг билан бирга Англияда буржуа эркинлиги ҳукмрон бўлиб, бундай эркинлик бу даврнинг улкан ютуғи ҳисобланади.

Монтескьенинг ижтимоий-фалсафий қарашларида асосан икки ғоя:

А). Ижтимоий эркинликнинг ва инсон эркинлигининг шарти сифатидаги ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили.

Б). Сиёсатга атроф муҳитнинг кўрсатадиган таъсири тўғрисидаги назария.

Юқорида қайд этилган икки назария: Монтескье ижтимоий – фалсафий қарашларида муҳим ўрин эгаллайди ва анча машҳур ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, ижтимоий эркинлик ва инсон эркинлиги ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, Монтескье инсоннинг шахсий эркинлигини ижтимоий эркинлик билан боғлайди. Чунки унинг фикрича, жамият қанчалик эркинлик тамойиллари асосида тараққий этиб боргани сари, инсонлар ҳам шунчалик эркин бўлиб борадилар. Бу соҳада инсоннинг иқтисодий ва сиёсий эркинлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Инсоннинг тобора маърифатли ва билимли бўлиб бориши Монтескье фикрича, унинг эркинлик билан бирга бурчни англаб етишига таъсир этади. Инсоннинг ўз эркинлиги ва бурчларини англаб етиши, жамиятда бошқа инсонлар билан ўзаро алоқага кириши жараёнида қонунлар муҳим рол ўйнайди.

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 263.

Монтескье 1748 йилда машхур “**Қонунлар рухи**” номли асарини ёзган. Асар Монтескьенинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини тўла ва аниқ ифода этади. Мазкур асар қонунлар тўғрисида муҳим бир бутун қондани ифодалайди. Унда бир томондан, қонун, унинг моҳияти, шаклланиши каби масалалар кўтарилган бўлса, иккинчи томондан, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тузумнинг шаклланиши, жамоат ташкилотлари ва сиёсий муассасаларнинг функцияларининг моҳияти ёритилган. Асарда Монтескье ўз даврининг илғор ислохотслар учун эҳтиёжи кучлилиги ва ислохотларнинг дастурларини ифода этади. Асарда фақат Франция ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ масалаларгина эмас, балки Европанинг сиёсий ва бошқа тараққиёти билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилган. Шунинг учун ҳам бу асар ўз даврида кўплаб Европа мамлакатларида машхур бўлган.

Монтескье “Қонунлар рухи” асарида ҳуқуқий қарашларини тизимли равишда ифода этган. “Қонун кенг маънода, нарсаларнинг табиати ва моҳиятидан келиб чиқадиган зарурий муносабатларни ифода этади”, деб ёзади муаллиф.¹ Қонун, унинг фикрича, ақл билан боғлиқ. Чунки қонун Ер юзидаги барча халқларни бошқаради. Ҳар бир миллатнинг сиёсий ва фуқаролик қонунлари инсон ақлининг хусусий ифодаси ва иловаси сифатида мавжуд бўлади. Қонун аслида Илоҳий куч билан инсонлар ўртасидаги ва турли инсонларнинг ўзаро муносабатларини ифода этади. Қонунлар икки хил бўлади:

1. Табиий қонунлар. Улар буюк илоҳий куч томонидан яратилган қонунлардир.
2. Ижтимоий қонунлар.

Биринчиси, мукаммал ва ўзгармас қонунлардир. Иккинчиси, етарли даражада мукаммал бўлмаган ва ўзгарувчан қонунлар ҳисобланади. Улар жамият тараққиёти ва ундаги ўзгаришлар таъсирида ўзгариб туради. Улар ана шу қонунларни ўйлаб топаётган ёки яратаётган кишиларга бошқаларни боғлиқ ва қарам қилиб қўяди.

У ҳар хил қонунларни айнан бир Қонуннинг турлича таърифларидир деб эътироф этади. Муаллифнинг фикрича, қонунни яратувчилар ўз истаклари бўйича ҳаракат қилмасликлари, аксинча, халқнинг тарихий ҳаёти кечаётган шароитларни ҳар томонлама ўрганишлари ва уларга мос равишда энг доно ва мақбул қонунларни шакллантиришлари лозим. Эътиборга олиниши зарур бўлган омилларга қуйидагилар киради:

1. Ҳудудлар ва мамлакатларнинг тарихий ва табиий шарт-шароитлари турлича эканлиги.

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 267.

2. Худудларнинг катта кичиклиги.
3. Хукумат томонидан қабул қилинган ижтимоий - сиёсий ва ҳокимият тизими.
4. Мамлакат аҳолиси эътиқод қиладиган дини.
5. Мамлакатнинг турмуш тарзи ва ахлоқий қоидалари.
6. Мамлакатнинг табиати, иқлими ва географик шароитлари.¹

Қонуннинг юқорида санаб ўтилган шароитларга мос тушиши ва муносабати *қонуннинг руҳини* белгилаб беради. Монтескье ўз олдига қонунларнинг қабул қилинган алоҳида мамлакат ҳудудида шарт шароитлари билан, бундай шароитларга мослиги билан қизиқади. Бундай жиҳатларни ҳисобга олиб қабул қилинган қонунлар халқ эҳтиёжларига ва талабларига яхши жавоб беради. Яъни бу қонунларнинг руҳи давлатнинг энг прогрессив тузумига мос келади. Монтескьенинг айтишича, ҳар бир мамлакат ёки жамият ўзига хос қонунлар қабул қиладди. Улар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Қонунларнинг турли туманлиги мазкур қонунлар қабул қилинаётган давлатнинг шароитлари ва ўзига хосликлари билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда қонун чиқарувчи ўзи ҳоҳлаганча қонунлар билан фаолият олиб бориши нотўғри бўлади. У албатта, юқорида қайд этилган жиҳатларни ҳисобга олиши зарур.

Фалсафа тарихида турлича ғоялар, фикрлар ва қарашлар бўлган. Уларнинг кўпчилигида жамият тараққиётида географик муҳит, табиий шарт-шароитлар, иқлими ва бошқаларнинг муҳимлиги масаласига катта эътибор берилган. Бундай ғоялар фалсафа тарихида “географик детерминизм” номи билан машҳур бўлган. Бу йўналиш жамият тараққиётини асосан географик ва табиий хусусиятлар билан боғлаган. Унга кўра, ҳар бир мамлакатнинг ва миллатнинг тараққиёти, тарихи кўп жиҳатдан унинг географик ва иқлимий хусусиятлари билан боғлиқ. Шундай назариялар ҳам бўлганки, уларга кўра қайд этилган омиллар жамият тараққиётида асосий бўлган. Шундай қилиб, Монтескьенинг фикрича, универсал табиий қонуннинг аниқ шарт-шароитларда қандай амалга оширилишини тушунмасдан туриб, яъни қонунларнинг турли туманлигини изоҳламасдан туриб, жамият тараққиёти ва инсон хусусиятларини англаш қийин.

Монтескьенинг фикрича, қонунларнинг моҳияти атрофимиздаги ижтимоий ва табиий муҳитнинг ҳар хил турлари ҳамда уларга тегишли бўлган универсал қонуннинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Универсал қонунлар оддий акл-идрок ёрдамида билиб олинади. Кенг маънода олганда, бундай билиш, масалан, иқлим, ер, сув, савдотик шакллари, ишлаб чиқариш усуллари ва анъаналарнинг сиёсат ва қонунчиликка қандай таъсир кўрсатиши ҳақидаги умумий фикрлар билан чеклангандир.

¹ Рассел Б. История западной философии. Новосибирск, 1999. С. 119.

Монтескьенинг ижтимоий-фалсафий қарашларида сиёсий фикрлари ҳам ўзига хос. Маълумки, бошқарувнинг шакллари тўғрисидаги фикрлар қадимги фалсафа тарихида ҳам муҳим рол ўйнаган. Жумладан, Аристотель бошқарувнинг уч шакли яъни, республика, монархия, аристократияни эътироф этган. Монтескье ҳам давлат бошқарувида учта шаклни эътироф этади. Улар: республика, монархия, деспотик тузумлардир. Бундай тузумга мувофиқ келадиган уч тамойил: Бошқарувнинг республика шаклига кадр-қиммат мос келади. Монархия ўз навбатида ор-номус, ғурур туйғулари билан бўлиқ. Деспотик тузум эса инсонларни кўрқинча, таҳликада ушлаб турадиган тузумдир.

Бошқарувнинг республика шакли тўғрисидаги фикрлар юқорида қайд этилганидек, қадимги Римнинг идеаллаштирилган тасвири тарзида пайдо бўлган бўлиб, бундай бошқарувда кўпчилик иштирок этади. Деспотик тузум, аҳолини кўрқинч ва даҳшатда ушлаб туриш учун турли мамлакатларда амалга ошиши мумкин. Эҳтимол, Франция ҳам бир куни ўз қиёфасида намоён этиши мумкин бўлган даҳшатли манзаранинг акси сифатида тасаввур қилинади.

Давлат тузуми Монтескьенинг қарашларига кўра, мамлакатнинг географик ва бошқа шарт-шароитлари билан бўлиқ. учун бошқарувнинг энг мақбул шакли бу монархиядир. Монтескье монархияни мамлакатлар учун жумладан, Франция учун идеал бошқарув шакли сифатида эътироф этади.

Давлат тузумини танлаш борасида Монтескье турли халқларни бир-бирига қарши қўяди. Масалан, у жанубий ва шимолий халқларнинг характери, менталитети бир-биридан фарқ қилишини асослаб, бундай фарқни улар яшаётган табиий шарт-шароит билан боғлайди. Шимол халқлари потенциали кучли, жанговар руҳи бор, баъзан жангари ҳам, кўрқмас ва эркинликни яхши кўрувчи халқлардир. Жанубий ҳудудларда яшовчи халқлар эса аксинча, тортинчоқ, бўйсинувчан, нозикроқ ва тез фикрини ўзгартириб турувчилардир. Бу халқларнинг фарқлари уларнинг физиологик ўзига хосликлари билан бўлиқ. Чунки, иқлим инсоннинг ҳис туйғуларига, ақлига ва тасаввурига таъсир кўрсатади. Демак, уларнинг ахлоқий қоидалари, турмуш тарзи ва қонунлари ҳам қайд этилган табиий шароитларидан келиб чиқади.

Монтескьенинг фикрича, масалан, Ҳиндистон халқи ўта иссиқ иқлим шароитида яшаётганлиги учун унинг ахлоқий қоидалари ўзига хос. Ҳиндларнинг ақлий қобилиятларини иссиқлик камайтириб юборади, унинг ўрнига ҳиндларнинг характерида шошилмаслик, сабр – тоқат, барқавворлик каби ҳислатлар шаклланган. Иссиқ жанубий халқларнинг феъл-атворида шу даражада таъсир кўрсатадики, уларнинг танаси ва руҳи ўта кучсизланиб боради ва бунинг натижасида уларнинг

характери ўта бўйсинувчан бўлиб шаклланади ва улар фақат жазодан кўркиб меҳнат қиладилар.¹

Монтекье “Қонунлар руҳи” асарида Англияга алоҳида эътибор қаратади. Инглизларга ҳам ҳудуднинг иқлими таъсир этган. Уларнинг кўпчилиги касал, улар барча наосаларга ҳукуматга, ҳатто ҳаётга ҳам нафрат билан қарайдилар. Уларнинг қалблари ўта норозилик билан тўлиб тошган. Ҳар бир нарсадан сиқилаверадилар. Шунинг учун уларнинг қонунлари албатта, бу жиҳатларни ҳисобга олиши шарт. Бу мамлакатда жамиятни инсонлар эмас, қонунлар бошқариши зарур. Қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан банд. Уларнинг вақтлари кам. Фақат меҳнат қиладилар. Ернинг ҳосилдорлиги уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Улар эркинликни яхши кўрадилар. Шу сабабли бу ерда бир кишининг ҳукмронлиги қўл келади. Ер ва унинг ҳосилдорлиги камроқ бўлган ҳудудларда кўпчилик бошқаруви қўл келади.

Монтескьенинг айтишича давлат ҳудудининг катта кичиклиги ҳам бошқарув шаклини белгилаб беради. Кичик ҳудудларда демократия, катта ҳудудларда деспотизм ва ўртача ҳудудларда монархия бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, иқлим ва бошқа географик шарт шароитлар халқларнинг руҳини белгилаб беради. Уларга тегишли бўлган қонунлар ҳам демак, ана шундай руҳга мос равишда қабул қилинади. Бундай ўзига хос “руҳ” давлат бошқаруви шаклини, ахлоқий қоидалар, қонунлар, дини ва бошқаларни ҳам белгилаб беради.

Монтескье қонунларни қабул қилиниши уларнинг яхши ва мукаммалиги жараёнига алоҳида эътибор қаратади. Унинг айтишича, қонунларни қабул қилиш бу жараёнда иштирок этаётганлардан юқори ақл, алоҳида тайёргарлик ва тарбия талаб этади. Ақлли ҳукмдор ўз халқига фақат яхшилик тилайди. У бошқарувнинг республика шаклига эзгулик, деспотизмга меъёр, монархияга ғурур олиб келади. Халқ эса хушёрлик билан ўзига мос тушадиган бошқарув шаклини танлаб олади. Унинг фикрича қадимги давлатларда бошқарув яхши йўлга қўйилган эди.

Монтескьенинг эътироф этишича, халқнинг сиёсий эркинлиги ўта муҳим бўлиб, бундай эркинлик инсонга оғир босиқлик, барқарорлик ҳиссини беради. Бу нарса эса инсоннинг ўз хавфсизлиги борасида тинчгина, бемалол юриши мумкинлигини таъминлайди. Шу сабабли ҳам бошқарув шакли шундай бўлиши лозимки, унинг остида битта инсон иккинчисидан кўрқмасдан, ўзини хавфсиз сезиши зарур. Агар бошқарув жараёнида ҳокимият ўз вазифаларини бўлиб олмаган бўлса, эркинлик

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 230.

чекланиб қолади. Шу сабабли ҳам ҳокимият структурасининг функциялари бошқарув жараёнида ўзаро келишилган ва бўлинган бўлиши лозим.

Ҳокимият органларининг бўлиниб, функцияларининг ажратиб қўйилиши тамойили қадимги даврда ҳам маълум эди. Бу антик ғоя Платоннинг “Қонунлар” ва ва Аристотелнинг “Сиёсат” асарида ҳам акс этган. У муайян маънода Ўрта асрлардаги империяларда амалга оширилган. Бундай тамойил Локк таълимотида ҳам мавжуд. Бу ғоялар Монтескьенинг асарларида янада ривожлантирилди. Монтескье ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши тўғрисидаги фикрларни айтган. У асосий диққат-эътиборини ҳуқуқий назорат тизими ва ҳокимият турли тармоқларининг бир-бирига тўғри мос келиши зарурлигига қаратган. Ҳокимиятнинг ажратиб қўйилиши тамойили суд, ижро ва қонун чиқарувчилик ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим.

Демак, Монтескье жамиятда эркинликни тараннум этган. Жамият тараққиётида сиёсий реализм ва илмий ёндашув муҳим рол ўйнаши мумкинлигини таъкидлаган. У Англияда ташкил топган ва шаклланган бошқарув шаклини афзал кўрган. У ўз асарларида инглизча муассасалар ва тарғиботни, улар орқали эркинликни ҳимоя қилган. Монтескье Англияда суд, ижро ва қонун чиқарувчи муассасалар ўртасидаги ҳокимият ажратиб қўйилган, деб фарз қилади. Монтескьенинг фикрлари кейинчалик XVIII аср охирида АКШ мустақиллиги Декларациясида ва инсон ва ҳуқуқлари тўғрисидаги Франция декларациясида мустақим бўлган.

XVIII аср Франция маърифатпарварлари қаторида Мари Жон Антуан Кондорсе (Marie Jean Antoine Condorcet, 1743—1794) алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асосий ғояси тараққиётда бош ролни ўйнайдиган омил бу ақлдир. Ақлга таянадиган тараққиёт инсоният учун катта манфаатлар келтириши мумкин. Тараққиётнинг муҳим жиҳатлари қуйидагилар:

1. Миллатлар ўртасида тенглик ўрнатилиши.
2. Синфий тафовутларнинг тугатилиши.
3. Рухий ва ахлоқий савиянинг умумий юксалиши.

Кондорсенинг ижтимоий фалсафий қарашларида жамият ва тарих тараққиётида турли миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши зарурлиги масаласи муҳим ўрин тутди. У ўзининг жамият, тарих, инсон тўғрисидаги қарашларида қуйидаги масалаларни кўтаради:

1. Иркчиликнинг тугатилиши ва барча ирқларнинг тенг бўлиши.
2. Эркин савдонинг кенгайтирилиши.
3. Беморлар ва қарияларга нафақа тўланиши.

4. Урушларнинг тақиқланиши, қашшоқлик ва ортиқча дабдабанинг тугатилиши.

5. Аёллар ва эркекларнинг барча соҳаларда, оилада тенг ҳуқуқли бўлишлари.

6. Барча учун тенг имкониятлар яратадиган умумий таълим тизими жорий этилиши.¹

XVIII асрга келиб Ёрбий Европада шаклланаётган янги буржуазия мавқеи мустаҳкамлана бошлади, аввал Англияда, кийинроқ Францияда ва XIX асрда Германияда шундай жараёнлар амалга ошди. Бундай мустаҳкамланиш жараёни бир неча: мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий даражаларда юз берди.

II БОБ. Француз маърифатпарварлик фалсафаси тараққиётида Жан Жак Руссонинг роли

2.1 Жан Жак Руссонинг ижтимоий-фалсафий қарашлари

Жан Жак Руссо (Jean-Jacques Roucseau, 1712—1778) Женева шаҳрида, кальвинистлар оиласида туғилди. Онаси эрта вафот этди, у 10 ёшга тўлганда эса отаси

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 270.

Швейцариядан кочиб кетишга мажбур бўлди. Болани кариндошлари тарбиялай бошладилар, у жуда эрта дарбадарликни бошлади, Францияни ва Швейцариянинг ахрлиси француз тилида сузлашадиган кисмини кезиб чик,-ди. Ўн уч ёшида Руссо вақтинча Париж шаҳрида ўрнашди ва маърифатпарвар файласуфлар (Вольтер) билан танишди.

1750 йилда Руссо "Фанлар ва санъатнинг вужудга келиши ахлоқнинг яхшиланишига ёрдам берадими?" номли бадияси учун Дижон академиясининг мукофотини олди. Куйилган саволга жавоб берар экан, Руссо ўша вайтда тараққиёт масаласида ҳукмрон бўлган оптимизмга қарши чикди. Француз маърифатпарварлари ичида Жан Жак Руссо ўзининг ранг баранг асарлари ва ўзига хос ижтимоий фалсафий қарашлари билан ажралиб туради. Унинг кўплаб асарлари қаторида "Фан ва санъат тўғрисида мулоҳазалар" (1750), "Одамлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва асослари" (1753), "Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари тўғрисида" (1772) "Эмил ёки тарбия тўғрисида" (1762), "Икромнома" (1782) каби ижтимоий фалсафий соҳада ёзилган тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин.

Маърифатчилик фалсафасини ривожлантиришда Руссо муҳим рол ўйнаган. Унинг қарашларида инсоннинг жамият билан боғлиқлиги, жамиятсиз инсон мавжуд бўла олмаслиги, инсон тараққиётида жамият алоҳида рол ўйнаши каби масалалар муҳим ўрин эгаллаган. Унинг ижтимоий қарашлари нафақат фалсафав, балки социология, тарих, сиёсатшунослик, иқтисод фавнларининг тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Руссо жамоат ва умумий иродани юксакликка кўтаради. Маърифатчилар ичида Руссо жамият билан бир қаторда табиатни ҳам муҳим омил сифатида эътироф этади. Руссо "оркага — табиатга" деган шиорни олға сурди. Табиат, унинг фикрича, жамият тараққиётининг ҳам асосидир. Чунки жамият, демак инсон тараққиёти учун табиат бош манба бўлиб ҳисобланади. Жамият табиат ривожланиши ёки эволюциясининг асосидир.

Руссо фалсафасида инсонга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Руссо бошқа маърифатпарварларнинг қарашларига тўла қўшилади. Масалан, Руссо ҳам худди улар каби, инсон ўз табиатига кўра яхшилик вакилидир, дейди. Унинг фикрича, инсоннинг моҳияти қанчалик эзгу ишларни амалга ошира олиши билан белгиланади. Руссо оддий одамларнинг кундалик ҳаётдаги оддий қадриятлари ҳисобланадиган оилавий ҳаёт, ҳамдардлик, диний эътиқод ва ҳалол меҳнатларини йирик савдогарлар ва янги фан вакиллариининг бефарқлик, ҳисоб-китоб билан одамларга муомала қилиши ва калондимогликларидан юқори кўяди. Айрим маърифатпарварлар айтганларидек,

Руссо ибтидоий шароитларга қайтишни тарғиб қилмай, ўрта синфлардан ёки ўрта табақалардан иборат жамиятни тарғиб этади.

Маърифатчилар, ёмонлик анъана ва имтиёзлар қўллаб турадиган нодонлик ва мурасасизлик туфайли келиб чиқади, деб ишонардилар. Шунинг учун ҳам, маърифат уларга даво бўлиб хизмат қилади, дердилар. Ақл ва илм галаба қозонганда, инсондаги яхшилик цивилизация тараққиёти, ортидан кўпайиб боради. Руссо эса, ёмонлик — цивилизациянинг ўзида, деб ишонади. Унинг Дижон академияси мукофотини олган бадиа-сидаги шов-шувга сабаб булган хулосаси худди шундай эди. Цивилизация сунъий ва айниётган ҳаётга элтади. Бу бадиасида Руссо тараққиётга бўлган ишончни танқид қилади. Шаҳардаги ҳаёт ва янгиликлар, турмуш тарзининг тобора қулайлашиб ва тараққиёти ётиб бориши инсонда мавжуд бўлган яхши ва табиий сифатларни бузади, йироқлаштиради.¹

Шундай қилиб, Руссо табиатга қайтишга чакиради. У доимо, инсон жамиятнинг ажралмас бир қисми эканини таъкидлаб туради. Аммо шу билан бирга табиатни Руссо инсоннинг асоси, инсоннинг манбаи ва жамиятнинг омили сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, табиат инсонга унинг кимлигини эслатиб турувчи, жамиятнинг бошланиш манбаи ҳисобланади. Руссо инсонни табиат қўйнида "инсоний жамият аъзолари сифатида ва соғлом ҳаётни мужассамлаштиришга" чакиради. Руссо ўз қарашларида демократик тараққиёт ва мулк соҳасида тенгликни тарғиб қилади.

Руссо қуйи қатламнинг содда турмушларини улуғлайди. У оддий, камтарона ҳаёт кечираётган одамларнинг кундадлик ахлокий тасаввурларини ўта илмийлашиб кетган турли қарашлардан холи бўлиши зарурлигини қайд этади. Чунки оилавий нарсалар, кундалик инсоний қадриятлар Руссо учун муқаддас ҳисобланади. Шундай қилиб, Руссо ўрта табақага мансуб бўлган кишиларни ўзининг ахлокий устунлигига ишонган, юқори қатламга мансуб бўлган кишилардан ҳимоя қилувчи мутафаккир сифатида фаолият юритади. Унинг фикрича ўрта табақа кишилари етарли маълумоти ва имкониятлари бўлмаганликлари сабабли юқори табақа кишиларига бас кела олмайдилар.

Руссо ўрта синф қуйи қатламининг ҳақиқий вакили сифатида кўпинча, иқтисодий ва илмий ютуқлардан бевосита ўзи фойдаланмагани учун жамиятдаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам унга ривожланиш бўлиб туюлмасди. Бу синф вакиллари, кўпинча, янгиликларнинг дахшатли ва вайронкор жихатлари билан тўқнаш келганлари учун уларни ахлоқсизлик ва гайри инсонийлик, деб баҳоладилар.

¹ Руссо Жан Жак. Об общественном договоре. М., 1935, -С.18.

Юқори синф вакиллари индивид ва савдо ҳамда ўзини намоён қилиш эркинлигини кўкларга кўтарардилар, чунки булар дунёнинг кучли одамлари учун кадрият хисобланарди. Кучсизроқ одамлар учун эса бирдамлик ва ҳамкорлик кадрият саналарди. Руссо ҳам ўрта синфнинг қуйи қатлами вакиллари сингари оилавий ҳаёт ва умумий манфаатларни афзал кўради.

Бирдамлик сингари кадриятлар одамлар ақл билан амалга ошириладиган ва фойда келтирадиган ҳисоб-китоблардан кўра кенгроқ ва бир текисроқ тарқалган эди. Шунинг учун ҳам ўрта синфнинг қуйи қатламлари вакиллари тенгликни индивидуал эрк ва шахсий карьерага нисбатан кўпроқ эъозлардилар. Улар, одатда, кўпроқ анъанавий ва конформистик кайфиятда булишса, юқори синф вакиллари кўпроқ; шахсий манфаатга урғу бериб, ўзлари учун танлов ҳуқуқини ҳимоя қилардилар.

Биз Руссонинг ўрта синф қуйи қатлами вакиллари манфаатининг ифодачиси эканини тор маънода тушунмаймиз. Лекин шу ҳол унинг бир қатор ҳаётий установакаларини тушуниш имконини беради.

Руссо ва Кант орқали фалсафадан дин ва ахлоқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш ва бутун билимларни табиий-илмий илмларга тенглаштириб қўйишга уринишга қарши ишлатиш анъанаси давом этади.

Руссонинг шахс тўғрисидаги тасаввурлари ҳам фалсафа тарихида ўзига хос бўлиб, улар капиталистик элементларни тараққий этиши билан боғлиқ тарзда айниқса, француз материализми кенг тарқалган даврда ривожланди. Маълумки, шахс тўғрисидаги қарашлар инглиз фалсафасининг йирик намоёндаларидан бири Томас Гоббс фалсафасида ўзига хос тарзда шаклланган.

Томас Гоббс ҳамда XVII аср инглиз ва француз либералистлари ўз қарашларида шахс концепциясини яратишда индивидуализм, қўпол қилиб айтганда, шахсий манфаатга эга бўлган, ҳисобни биладиган, лаззат ва фойдага интиладиган, савдолашиш қобилятига ва мулк тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш каби хусусиятларга катта эътибор беради ва бундай хусусиятлар юқори тараққий этган шахснинг хусусияти бўлиши лозимлигини эътироф этадилар. Уларнинг фалсафасида **тўла мукаммал шахс** тушунчаси кенг ўрин олган. Ҳар бир индивиднинг бундай сифатлари шахсий ташаббус ва хусусий мулкни ҳимоя қилувчи давлатдан илгарироқ мавжуд бўлади. Давлат ўз-ўзидан ҳеч қандай кадрият эмас. У жамият тараққиётининг маълум босқичида зарурат сифатида юзага келади.

Руссонинг давлат тўғрисидаги қарашлари ҳам унинг индивидуалистик фалсафасидан келиб чиқади. Давлатнинг индивидуалистик назариясини давом эттирар экан, Руссо давлатнинг табиий ҳолатдан бошланиши ва ижтимоий шартнома билан

яқунланиши хакидаги далилларни яку-и ига етказди. Аммо бу Руссо учун бири табиий ҳолат ва давлат томонидан шакллантирилган ижтимоий шартнома ва иккинчиси шартнома асосида жамият тузиш асосида бирининг бошқасига ўтиши билан боғлиқ тасаввурлар масаласигина эмас.

Руссонинг фикрларига кўра аста-секин юз берадиган тараққиётни реконструкция қилиш, яъни ўзгартириш оқибатида жамият янада тараққий этади. Бунга боғлиқ ҳолда инсон ҳам ўзгариб боради. Жамиятнинг прогрессив тараққиёти унинг аъзоси бўлган инсоннинг тараққий этишига, мукаммал инсон шаклланишига таъсирн кўрсатади. Жамият тараққий этиб бориб, маълум сиёсий ташкилотларнинг ташкил топишига олиб келади. Бундай тараққиётнинг якуний натижаси эса сиёсий ташкил этилган жамият бўлади.

Шундай қилиб, Руссо Афлотун ва Арастуға яқин нуктаи назарда қолади, деб айтиш мумкин. Юнонистонлик файласуфларга ўхшаб Руссо ҳам "Тил, ақл, яхшилик каби ҳодисалар қандай вужудга келди?" — деб ўртага савол ташлайди. Мукаммал инсон, Руссонинг фикрига кўра, бошқалар билан ҳамжамятда ва бирдамликда яшай олади. Худди уларга ўхшаб ҳамжамятга назар ташлайди, инсон бу қобилиятларни бошқалар билан биргаликда яшаш жараёнида ҳосил қилади. Шундай қилиб, мукаммал инсон ва мукаммал жамият бир пайтда юзага келади. Умуман олганда, жамиятдан ташқарида тўла шаклланган индивидни тасаввур қилиш мумкин эмас. Унинг шаклланиши ва тараққий этиши бевосита жамиятга алоқадор.¹

Маълумки, ҳозирги замон фалсафаси ёки фалсафий антропология доирасида жамият ва шахс масалалари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шахснинг жамиятга ва жамиятнинг шахсга таъсири масалалари муҳим ўрин тутди. Эътироф этиш зарурки, Руссо ўз даврида мазкур масалаларга катта эътибор қаратган экан. Унинг бу масалага ёндашуви ҳозирги замон фалсафасидаги қарашларга яқин, деб айтиш мумкин. Унинг фикрича инсон қанчалик ривожланиб боргани сари инсонлардан иборат бўлган жамият ҳам шунчалик тараққий этади. Демак, жамият прогрессив тараққий этиши учун инсон ривожланиши лозим.

Инсонларнинг бирлашуви ўзига хос ҳамжамятни ташкил этади. Инсон яшаши учун бундай ҳамжамят асосий омил ҳисобланади.

Афлотун изидан бориб Руссо бир қадам олға одим ташлайди. Ҳамжамят билан узвий боғланган шахс жамиятдаги фуқароғина эмас, балки ҳамжамят учун қадрият ҳам ҳисобланади. Демак, Руссо фалсафасида инсонни қадрият сифатида қайд этилган,

¹ Жамият ва инсон фалсафаси. Т., 2003. -Б. 69.

яъни бугунги фалсафий аксиология эътироф этганидек, барча қадриятлар тизимида инсоннинг ўзи ва унинг ҳаёти энг олий қадрият.

Ҳамжамият — муайян алоқалар, оила ва дўстларни ўзаро боғлайдиган яқинлик хисси. Ҳамжамият инсонларни бир-бирига яқинлаштирадиган, биргаликда яшаш тамойилларини шакллантирадиган ва инсонни жамиятда яшашга ўрганишга чақирадиган катта куч ҳисобланади. Бундай ҳамжамиятда инсоннинг шахсий манфаати асосий эмас. Жамият манфаати шахсий манфаатдан устун туради. Руссо рационал шахсий манфаатнинг бир ўзи жамият мавжудлигини таъминлаши мумкин, деган ғояга қарши чиқади.

Юзаки манфаат ва лаззатлар эмас, чуқур ҳис-туйғу ва майллар кишиларни ҳамжамиятга бирлаштиради. Шундай қилиб, ҳамжамият ақлга эмас, туйғуга таянади. Бу маънода яқка инсоннинг индивидуалистик, яъни фақат ўзини ўйлашга қаратилган ҳатти – ҳаракатлари ва туйғулари иккинчи даражали бўлиб, уларнинг асосида шаклланадиган шахсий манфаатлар жамият манфаатидан устун бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди. Шу сабабли ҳам Руссо ҳамжамият ҳақида гапирганда кўпроқ кичик ҳамжамиятларни назарда тутди. Бу ўринда Руссо ўша даврда кенг тарқалган индивидуализм-нинг бир турига жиддий эътироз билдиради. Бунда у антик давр юнонларига ўхшаб умуман жамият тўғрисида эмас, кичик ҳамжамият — "шаҳар-давлат" тугрисида фикр юритади.

Руссо, гарчанд унинг фикрлари кейинчалик миллий давлат тузиш ғояси учун асос бўлса ҳам, аслида миллатчи бўлмаган. Руссо учун индивидуализм миллатчилик абстракция, яъни мавҳум тушунча эди. Унинг учун ижтимоий ҳодисалар тизимида аниқ ва зарур бўлгани бу - оила ва фуқаролар бир-бирини биладиган, ўзаро боғланган маҳаллий ҳамжамиятлар эди. Бундай ҳамжамиятлар нисбатан кичикроқ бўлиб, уларга бирлашган кишилар ҳаммаси бир бирларини яхши биладилар ва бир бирларига ўзаро ёрдам қўлини чўзадилар.

Шундай қилиб, Руссо шаҳар буржуазиясининг олий аслзодалари намоён қилган индивидуализм ва миллатчиликка қарши консерватив, яъни анъанавий (тарихий) муносабат билдиради. Ҳамжамиятга қўшилган инсон бу масалаларда асосий ҳисобланади.

Руссо ҳуқуқ доирасида хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини, гарчи у тенгсизлик келиб чиқишига сабаб бўлса ҳам, жуда муҳим ҳисобланади

Юкоридагилардан кўринадики, Руссо ғояларини турлича тушуниш мумкин. У, жамиятни ахлоқий қадрият сифатида эътироф этиб, унинг зарурат асосида юзага келганлигини айтади.

Унинг мулоҳазасига кўра, инсон ҳақиқатан жамиятнинг таркибий қисми ҳисобланади, "табиий ҳолат" ва "ижтимоий шартнома" анча муаммоли булиб қолади. Бироқ, айти пайтда у индивиднинг "табиий ҳолат"даги турмуш тарзини кўкларга кўтаради ва ўша давр жамиятини инсон танини, ақл ва бахтини пастга уришда айблайди. Руссо ибтидоийчиликдан ҳам, инсонни ва жамиятни емирувчи цивилизациядан ҳам қочишга чақиради. Лекин ҳақиқий ҳамжамят нима? Унга замондош бўлган сиёсий воқелик индивидуализм ва миллатчилик билан характерланади.

Кейинроқ Руссонинг унинг ҳақиқий ҳамжамят тўғрисидаги фикрлари турли миллатчи сиёсий арбоблар томонидан қабул қилинган, улар миллий давлатни кўкларга кўтариш каби ҳодисаларни, миллатчиликни, нацизмни ёқлаб чиқдилар.

Жамият билан боғлиқ масалаларда Руссо “умумий ирода” тушунчасини қўллайди. Умумий ирода Турли кишилар иродасининг қоришмаси эмас, умумий ирода халқ иродасини англатади. Умумий ирода индивидларнинг хусусий манфаатларини эмас, жамият манфаатларини ифодалайди.

Руссо,- умумий ирода "доим ҳақ", деб ҳисобларди. Инсон доим умумий иродага интилиб яшаши зарур. Чунки бундай ирода ҳар қандай яқка иродадан ёки индивидуализмдан устун. Агар одам умумий ирода интилаётганидан бошқа нарсани хоҳласа, бундай ҳолда у ўзи учун энг яхши нарсани англамайди ёки бўлмаса, ўзи нима хоҳлашини билмайди. Демак, одам умумий иродага зурликсиз буйсуниши керак. Руссо фикрича, умумий ирода ҳукмрон булган жойда зўрликка ўрин қолмайди.¹

Бундай вазиятда умумий ирода ҳар бир ҳолатда нима экаиини таърифлашимиз муҳим аҳамият касб этади. Ёки бошқача қилиб айтганда, ким ҳуқуққа ва ҳокимиятга эга булса, ҳақиқий умумий ирода нима эканини ўша белгилайди. Давлатнинг ёки мамлакатнинг бошида турган етакчи халқнинг умумий иродасини ифода этади. Руссонинг фикрича, ҳақиқатан ҳам бир умумий манфаат доирасида бирга индивидуал истаклар мужассам бўлиши мумкинлиги шубҳа уйғотади.

Руссонинг "Умумий ирода" назарияси ўз даврида ва кейинроқ ҳам кенг тарқалиб, бир қатор давлат бошлиқлари бу назарияни ўзларига қурол қилиб олдилар. Улар бу назарияга асосланган ҳолда ўзларининг ҳатти ҳаракатларини оқлашга ҳаракат қилдилар. Масалан, Гитлер ҳам, де Голл (Charles de Gaulle, Франция президенти, 1980—1970) ҳам ўзларининг хусусий манфаатидан юқори бўлган ҳақиқий халқ иродасининг ифодачиси, деб ҳисоблардилар. **"Битта халқ; битта фюрер"** шиори,

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 301..

фюрер қандайдир сирли йул билан "халк"нинг бевосита вакили бўлиб олганини кўрсатади. Бу шиорга омма ишона бошлади. Улар бу шиорга асосланган ҳолда ўз етакчисига эргашидилар.

Бу муаммо ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларга эга, Умумий ирода қандай қилиб ўзини амалга ошишини изохламас экан, деспотик ҳукмдорлар ўз иродаларини ва манфаатларини умумхалқ иродаси, деб эълон қилишлари хавфи сакланиб қолади. Бундай назариялар ундан манфаатдор кишиларга жуда қўл келади.

Руссо ўз асарларида ва қарашларида жамиятда ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиши тўғрисида ёзади. Унинг “Кишилар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши”, “Тенгсизликнинг сабаблари” номли асарлари айнан ана шу масалага бағишланган. Унда Руссо тенгсизликка қарши крашнинг йўллари тўғрисида фикр юритади. Тенгсизликни Руссо ижтимоий ёвузлик сифатида тавсифлайди.

Руссо фалсафасида тенгсизликни таҳлил этилиши унинг кучли томонини англатади. Унинг фикрича, тенгсизликнинг мавжудлиги табиат билан эмас, жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, жамиятнинг маълум тараққиёт босқичида пайдо бўладиган ва ўз-ўзидан ҳал бўлиб, йўқолиб кетадиган ҳодисадир.

Тенгсизлик Руссонинг фикрича икки хил бўлади. Биринчиси, табиат билан боғлиқ бўлиб, кишиларнинг ёши, жисмоний жиҳатлари каби хусусиятларидаги фарқини англатади. Иккинчиси, сиёсий тенгсизлик бўлиб, бундай тенгсизлик жамиятда турли табақаларга тегишли бўлган имтиёзлардан келиб чиқади. Бундай имтиёзлар доим ҳам бўлмаган. Улар жамият тараққиётининг маълум босқичларида юзага келган бўлиб, тенгсизликнинг келиб чиқишида асосий сабаб бўлган.

Руссо табиий тенглик ва ҳуқуқнинг ашаддий тарафдори ҳисобланади. Инсонлар жамиятнинг дасталбки тараққиёти даврида ҳаммаси тенг бўлганлар ва уларнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ бўлмаган. Фарқ учун асоснинг ўзи ҳам бўлмаган. Ҳеч ким бир-бирига қарам бўлмаган. Чунки уларнинг хусусий мулки бўлмаган. Ибтидоий жамиятнинг асосий хусусияти инсонларнинг ахлоқий жиҳатдан тозаллиги, яъни бузилмаганлиги бўлган. Улар ўртасида ҳатто бир-биридан хафа бўлиш ҳам бўлмаган. Одамлар ўртасида ўзаро алоқадорликнинг йўқлиги туфайли ҳар қандай янгилик ёки ижоднинг натижалари унинг муаллифи билан бирга ўлиб борган.

Руссо жамиятда хусусий мулкни пайдо бўлишини қуйидаги сабаблар билан изохлайди:

1. Меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши;
2. Техника тараққиёти натижасида меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши;
3. Инсонларнинг бир-биридан табиатан фарқлари борлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган хусусий мулкнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган жараёнлар давлатнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлди. Руссо эътироф этадики, дастлаб давлат асоида келишув, режа бўлган. Бойлар камбағаллар билан ўзаро итифок тузишган. Бундай келишув жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг шарти сифатида юзага келган.

Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши тенгсизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлсада, аслида жамият тараққиётида бир қадам олға силжиш эди. Чунки хусусий мулк фуқаролик жамиятининг асоси бўлди ва шу билан бирга тенгсизликни ҳам келтириб чиқарди. “Биринчи марта ўз уйи атрофини ўраб “бу меники” деган сўзни айтиб, содда одамларни ишонтирган одам фуқаролик жамиятига асос солган”, деб ёзади Руссо. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши қуйидаги оқибатларга олиб келди:

1. Жамиятда ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқарди.
2. Жамиятнинг бой ва камбағалларга кескин ажралиши юз берди.
3. Бир-бирига зид бўлган манфаатлар тўқнашуви юз берди.
4. Бойларни камбағалларни эксплуатация қилиб, улар ҳисобидан яшаши ва бошқалар.

5. Бир-бирига қарама қарши бўлган манфаатларни келтириб чиқарди.

Тенгсизликнинг келиб чиқиши жараёни учта босқични босиб ўтган.

1. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши.
2. Давлатнинг пайдо бўлиши.
3. Деспотик давлатнинг пайдо бўлиши.

Руссонинг айтишича, жамиятда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқарган бўлсада, умуман олганда тарихий тараққиётни олдинга силжитган прорессив ижтимоий –иқтисодий ҳодиса эди. Инсониятнинг иқтисодий тараққиёти бу жараёнлар учун шарт шароитларни тайёрлаб берди.

Руссонинг асарларида давлат масаласи ҳам катта ўрин тутади. Унинг фикрича, давлат ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилот ҳисобланади. Аммо у давлат масаласига утопистик, яъни хаёлий ёндашади. Давлатнинг асоида келишув ёки кишиларнинг келишуви асоидаги режа туради. Давлатнинг шаклланиши даврида ҳукмдорлар дастлаб адолатли бўлганлар ҳамда халққа хизмат қилган бўлсаларда, кейинроқ ўзларининг деспотик характерларини кўрсата бошладилар. Бу ҳолат тенгсизликнинг энг олий даражаси бўлган.

Руссо "Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари тўғрисида" асарида инсонларнинг эркинлиги масаласига катта эътибор қаратади. Унинг мазкур асари “Инсон эркин бўлиб туғилган бўлсада, ҳамма жойда қўли боғлиқ”, сўзлари билан

бошланади. Муаллифнинг эътироф этишича, эркинликка интилиш ҳар бир инсоннинг табиий истаги ва эҳтиёжи. Бундай эҳтиёж инсоният тарихи тараққиётининг даврларида турлича бўлган. Жамият тараққиёти билан бир қаторда эркинлик билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам ўзгариб борган. Инсон қанчалик ижтимоий муносабатларга кириб боргани сари унинг эркинликка интилиши шунчалик кучайиб боради. Чунки у жамиятда ҳақ ҳуқуқини тобора кўпроқ таниб боради.

Муаллифнинг фикрича, Европа мамлакатларидан Англия ва Франция нисбатан инсон эркинлиги учун кўпроқ иқтисодий ва ижтимоий шароитлар юзага келаётган мамлакатлар ҳисобланади. Лекин шундай бўлсада, инсон ҳеч қачон тўла эркин бўла олмайди. Чунки у жамиятда бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатга кириб борар экан, унинг онгида эркинлик билан бирга бурч, маъсулият ҳисси ҳам боради. Бу хусусиятлар инсонни бошқаларга боғлаб қўяди. Бундай ҳолат эса инсоннинг эркинлигини маълум маънода чеклайди.

Жамият қанчалик тараққий этмасин, инсон бошқалар билан алоқадорлиги сабабли ҳам у ҳаётида ҳеч қачон тўла эркин бўла олмайди. Аммо шуни эътироф этиш зарурки, қайд этилган эркинликнинг маълум чегаралари мавжуд бўлиб, бу ҳолат барча мамлакатларда турлича. Ўз аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий тараққиёти учун етарли шароитлар яратиб берилган давлатларда инсоннинг эркинлиги бошқа давлатлардагига нисбатан кенгрок. Демак, масала бу ерда давлатнинг тузуми ҳақида боради. Инсон эркинлигини таъминлаш борасида давлат бошида турган инсоннинг қандай даражада маърифатга яқинлиги, унинг жамият аъзоалри тўғрисида қанчалик қайғуриши ҳамда уларнинг ривожланиши учун амалга ошираётган ҳатти ҳаракатлари инсон эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлардир. Шунинг учун ҳам инсон эркинлиги масаласи доим ҳам давлат масаласига алоқадор бўлган.

Инсон эркинлиги шахс ҳуқуқларининг қандай ҳимоя этилишига ҳам алоқадор. Бу масалада юқорида қайд этилганидек ижтимоий келишув катта рол ўйнайди. Ижтимоий келишувнинг асосий вазифаси шахснинг ҳуқуқларини ва унинг хусусий мулкини ҳимоя қилишдан иборат. Ҳар бир инсон бошқа инсон билан қўшилган ҳолда эркинлигича қолиши зарур. Ижтимоий келишув шундай ассоциацияни ташкил этиши лозимки, бу ассоциация кишиларнинг бахтли ҳаётини таъминлаб бериши лозим. Шу сабабли ҳам кишилар бир-бири билан қўшилиб, яъни биргаликда меҳнат қилиб, битта ассоциацияга бирлашган жараёнларда асосий масала уларнинг фаолиятлари ва ҳаётларини ташкиллаштириш бўлсада, эркинлик масаласи ҳам бундан кўра муҳимроқ масала бўлиб қолаверади. Чунки инсон бутун ҳаёти давомида ўзи

хоҳлагандек яшашга интилади. Ижтимоий келишув асосида ташкил топган ассоциация эса инсоннинг ана шу интилишини таъминлаш учун зарур шароитларни яратиб бериши муҳим ҳисобланади.

2.2 Жан Жак Руссонинг ахлоқ тўғрисидаги ғоялари

Руссонинг инсон эркинлиги тўғрисида айтган фикрлари унинг ахлоқ борасидаги қарашларини ҳам ўзига хос эканлигини англатади. Унинг бу соҳадаги қарашлари **"Эмил ёки тарбия тўғрисида"** ва **"Икрорнома"** номли асарларида ифода этган. Руссонинг фикрича, ахлоқ эркинликни таъминловчи омил сифатида тараққиёт тарихида муҳим рол ўйнайди ва инсон эркинлиги масаласига бевосита алоқадор. Руссо яшаган даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, капиталистик элементларнинг ривожланиб бориши, жамиятда янги ижтимоий синфларнинг шаклланиши, ижтмоий онг, айниқса, илм-фан, маданиятнинг юксалиб бориши кишиларнинг эркинлик, ахлоқ ва ахлоқий муносабатларига ҳам катта таъсир кўрсатган. Бу даврда бир қатор йирик мутафаккирлар, файласуфлар ва комусий олимлар етишиб чиқдики, уларнинг бу соҳадаги қарашлари ҳам Руссонинг фалсафий таълимотига албатта, таъсир кўрсатди.

Руссонинг қарашларига кўра, ахлоқ барча онгли мавжудотларнинг асосий хусусияти бўлиб, у барча кишилар учун аҳамиятлидир. Ахлоқ ақлнинг туғма қонунидир. Ахлоқ бурч ва эркинлик билан боғлиқ. Инсонни доимо ва ҳамма жойда ахлоқ бошқариб туради. Инсон бир вақтда ўзининг хусусий ва умумий қонунларга бўйсунди. Бу қонун ахлоқнинг асосий талабидир. Руссо бу қонунни ёки “тенглик” деб атайди.

Руссо ахлоқни ижтимоий муносабатлар ва яшаш шароитлари билан боғлайди. Унинг фикрича, ахлоқ мавжуд муносабатларнинг ажралмас жиҳати (атрибути) ҳисобланади. Яъни ахлоқ оила, жамоа, фуқаролик жамияти, давлат ва ҳ.к.лар билан боғлиқ. Ана шундай муносабатлар тизимида инсоннинг ижтимоий фаолияти амалга ошади ва мазкур муносабатлар доирасида инсон маълум мажбуриятларга эга. Яхши ахлоқли инсон, Руссонинг эътирофи этишича, яхши одобли, бошқаларга ёмонлик келтирмайдиган муҳими, бу соҳада жамият талабларига жавоб берадиган инсон. Яхши ахлоқ инсониятнинг мақсадлари ва манфаатларига хизмат қилади. Руссо учун ахлоқ бу оила, жамоа, жамият олдидаги мажбурият ҳисобланади.

Руссо инсон ахлоқи ва эркинлигини жамият тараққиёти билан бирга ахлоқ қонунлари жамиятда моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлар билан боғлиқликда тушунади. Ахлоқ жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг ифодаси сифатида ўрганилади.

Ахлоқшунослик фанида ахлоқ ҳодисасига космологик, натуралистик, диний социологик ёндашувлар фарқланади. Космологик ёндашув ахлоқнинг келиб чиқишини табиат билан боғлаган ҳолда, ахлоқнинг тараққиётини ва ахлоқий мақсадларни табиат қонунлари билан боғлайди ва ахлоқ тараққиётининг умумий қонуниятларини таъкид этадилар. Натуралистик мактаблар эса ахлоқни инсон табиатидан яъни унинг эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқишини таъкидлайдилар. Руссонинг ахлоқ ва эркинлик соҳасидаги қарашларини ҳам ана шундай натуралистик ғояларга яқин, деб айтиш мумкин.

Натуралистик ғоялар тарафдорларининг фикрича, ахлоқ инсоннинг биологик ва психологик моҳияти билан боғлиқликда ўзгариб боради. Жумладан, гедонизм (лаззатланиш) ва эвдемонизм (бахт) натуралистик мактабларнинг йўналишлари ҳисобланади. Гедонизм ахлоқнинг манбаини ҳаётдан лаззатланишда, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, инсон ҳаётдан лаззат олишни ўрганиши лозим, чунки бу унинг ахлоқини таъминлайди. Эвдемонизм учун бахтга интилиш ахлоқнинг манбаидир. Ахлоқ соҳасидаги ҳар қандай фаолият бахтга эришиш мақсади билан боғлиқ. Диний мактаблар эса албатта, алоқнинг келиб чиқишини илоҳиёт, инсоннинг Худога ва динга муносабати билан боғлиқлигини эътироф этадилар. Ахлоқшунослик фанидаги социологик ёндашув ахлоқнинг юзага келишини жамиятда мавжуд ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ҳамда ижтимоий тараққиётнинг даражаси билан боғлиқликда

таҳлил этадилар. Уларнинг фикрича, ахлоқнинг ўзгариши ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши билан боғлиқ.¹

Ахлоқнинг турли шакллари мавжуд. Унинг шакллари жамиятдаги тузум шаклига қараб ўзгариб боради. Масалан, уруғчилик даврида қон қариндошликка асосланган ахлоқ. Иқтисодий тенгсизлик ва хусусий мулкнинг келиб чиқиши натижасида кишилар ўртасидаги юзага келган тенгсизликни ва улар ахлоқини оқловчи ва ҳимоя қилувчи ахлоқ шаклланди. Ҳар қандай янги жамият ёки унинг маълум даври ўзига мос равишда ахлоқнинг янги шаклини юзага келтиради.

Руссо ахлоқни ижтимоий ҳодиса сифатида тавсифлайди. Бундай сифатда ахлоқнинг ўзгариши жамият иқтисодий ҳаётининг ўзгариши билан боғлиқ. Ахлоқ соҳаси ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради. У бошқа соҳаларга: иқтисод, сиёсат, маданият, фан, санъат ва ҳ.к.ларга таъсир кўрсатади. Ахлоқ уларнинг тараққиётини тезлатиши ёки секинлатиши ҳам мумкин. Бу нуқтаи назардан ахлоқ бу соҳаларга буюрувчи, йўл кўрсатувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ахлоқ уларнинг олдига маълум шартлар ва талаблар қўяди. Унинг талаблари ва қоидалари жамиятнинг барча субъектлари томонидан бажарилади.

Юқорида қайд этилганидек, Руссо ахлоқ тараққиётини жамият билан боғласада, бу жараёнда субъектларнинг ролини ҳам қайд этади ва ахлоқни субъект яъни инсон билан ҳам боғлайди. Унинг ўзгариши субъектнинг ўзгаришига, мақсадлари, интилишлари ва эҳтиёжларига алоқадор. Субъектнинг фаолияти ахлоқнинг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай ахлоқнинг умуминсоний ва миллий жиҳатлари мавжуд. Миллий ахлоқ миллий хусусиятлари, менталитети билан ажралиб туради. Унда миллий ахлоқий¹ қоидаларнинг ўзига хос жиҳатлари акс этади. Шу билан бирга миллий ахлоқ умуминсоний ахлоқнинг элементларини ҳам ўз ичига олади. Унда барча миллатлар ва халқлар томонидан эътироф этиладиган умуминсоний ахлоқ қоидалари ҳам ифода этади.

Руссонинг фикрича, турли иноснлар, миллатлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ва бошқа муносабатлар тараққий этиб боргани сари жамият ахлооқи ҳам бундай муносабатлар таъсиринида ўзгариб боради. Аммо бу доим ҳам яхшиликка олиб келмайди. Чунки бундай жараёнда инсонлар бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Бундай таъсирнинг натижаси эса доим ҳам ижобий бўлавермайди. Демак, жамият ва давлат жамиятнинг фаол ва етакчи кишилари бу масалаларни ўйлаб кўришлари ва

¹ Этические учения западных мыслителей. М.: Прогресс, С. 119.

ўзаро муносабатлар қандай бўлишини, уларнинг моҳияти жамиятга қандай таъсир этишини ўйлаб кўришлари зарур.

Руссо жамиятда ахлоқнинг ўзгариши ва ривожланишида атрофдаги кишиларнинг ва инсон фаолияти амалга ошаётган жамоанинг роли муҳим. Чунки уларнинг фикрлари ва муносабатлари яккаа шахснинг ахлоқига таъсир сэтади. Ахлоқий талаблар ёки чеклашлар турли туман бўлиб, улар нисбатан ўзгарувчанлиги ва ҳар хил ҳолатларга мослашувчанлиги билан тавсифланади. Улар кўпроқ эътиқод, атрофдагиларнинг фикрлари, қўллаб-қувватлаш, эътироф этиш, тасдиқлаш ёки “рухсат бериш” сифатида намоён бўлади. Кўпчилик томонидан ахлоқ тўғри ёки нотўғри, кўпчиликка мос келмайдиган ҳатти ҳаракат сифатида баҳоланади. Бундан фарқ қилган ҳолда ҳуқуқий қоидалар аниқ, қатъий ва мажбурий бўлиши мумкин. Шундай бўлсада, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар ўзаро боғлиқ. Кўп ҳолларда ахлоқий талаблар ҳуқуқий томонидан ҳам эътироф этилади. Ижтимоий муносабатларнинг катта қисми ҳам ахлоқ томонидан ва ҳуқуқ томонидан тартибга солинади.

Ахлоқнинг иккинчи функцияси баҳолаш функциясидир. Ахлоқ инсонни йўналтиради ва шу билан бирга унинг ҳатти ҳаракатларини эзгулик ёки ёвузлик нуқтаи назаридан баҳолайди. Баҳолаши орқали ахлоқ инсонни маълум томонга йўналтиради. Унга қадриятли танловни ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига мос равишда амалга оширишда ёрдам беради.

Ахлоқ кишиларни тарбиялайди. Жамият ахлоқи доирасида унинг аъзолари ахлоқий тарбия оладилар. Ўзларининг ҳатти ҳаракатларини жамият ичида тарбиялайдилар. Ахлоқий тарбияси яқин ва ўхшаш кишилар маълум ахлоқий қоидалар асосида бирлашадилар. Бу ерда ахлоқнинг бирлаштирувчилик жиҳатлари инсоннинг келгуси тараққиётига ҳам таъсир кўрсатади.

Руссо айтадики, ахлоқий қоидалар аста секин шаклланган. Инсоният турли алоқий қоидаларни ўйлаб топган. Ахлоқий қоидалар ижтимоий ҳаётни ва кишилар ҳаётини тартибга солиб турувчи қоидалардир. Ижтимоий субъектларнинг (жамоа, гуруҳ, миллат, жамият ва ҳ.к.) манфаатлари томонидан қўйиладиган талаблар аста секин ахлоқ қоидаларига айланиб боради. Бундай қоидалар маълум келишувликни, кишилар ҳуқуқини тартибга солишни талаб этади. Масалан, яхши ёки ёмон тўғрисидаги талаблар инсонни ахлоқий танлов қилишга мажбур этади: “мана бу нарса мумкин, буниси мумкин эмас”, “бу нарса яхши ёки ёмон”, “яхшилиikka мос равишда ҳаракат қил” ва ҳ.к. Жамиятда биргаликда яшаш, жамоанинг мақсадлари ва буларга мосравишда биргаликда фаолият олиб бориш маълум ахлоқ ва одоб қоидаларига амал қилишни талаб этади.

Ахлоқ қоидалари жамиятда “тартиб”, “шарт”, “талаб”, “мумкин эмас”, “ман этилади” каби кишиларнинг ахлоқини белгилайдиган ва тартаибга солиб турадиган қоидаларни ҳам шаклланишига олиб келади. Ахлоқ қоидалари инсондан жамият талабларига бўйсунитишни талаб этади. Бундай ҳолларда кўпинча жамият, жамоа ва шахснинг манфаатлари ўзаро боғланади.

Жамият тарихининг барча давларида мавжуд бўлган ахлоқ қоидалари бор. Улар: эзгулик, бошқалар ҳақида қайғуриш, катталарга ҳурмат, яқинларга ёрдам, тежамкорлик, ҳудожўйлик, жасурлик, ватанпарварлик, оилапарварлик ва ҳ.к. Бундай ахлоқ қоидалари инсоннинг ҳаётини белгилаб берувчи ва ташкиллаштирувчи хусусиятга ҳам эга. Бундай қоидалар шахснинг ахлоқ қоидаларига айланиб боради. Улар аста секин шахснинг онгида жамланиб бориб, маълум тартибга ва тизимга тушади. Вақт ўтиб бориши ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб бориши билан ахлоқ қоидалари ҳам ўзгаради, мазмуни ҳам бойиб боради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Руссонинг юқорида айтган фикрлари ҳозирда шаклланган ахлоқшунослик фани назарияларига ҳам яқин. Бу нарсаси Руссонинг фалсафий қарашларида қанчалик етук эканлигини билдиради. Руссо эътироф этадики, ахлоқий қоидалар маълум мақсадаг қаратилган. Уларнинг асосий вазифаси жамиятда кўпроқ яхши ахлоққа эга бўлган инсонларни тарбиялашдан иборат. Тараққиётнинг барча давларида ҳам ахлоқ қоидалари маълум тамойиллар атрофида бирлашади. Бундай тамойиллар эса инсонпарварлик, инсон бурчи, ғурури, виждон, ватанпарварлик, адолат, бағрикенглик, бошқаларни ҳурмат қилиш ва ёрдам бериш ва ҳ.к. ларга асосланади. Демак, ахлоқий қоидалар, Руссонинг фикрича, фақат инсоният тараққиёти учун хизмат қилади.

Руссонинг таъкидлашича, инсоннинг ахлоқи унинг фаолияти билан боғлиқ. Чунки ахлоқ инсон ҳаётини маълум йўналишга мақсадли йўналтиради, уни маълум ахлоқий қадриятларни танлаб олиш ва уларга асосланишни талаб этади. Ахлоқ ўзига инсоннинг иродаси, онги, ҳис-туйғуларини ҳам бўйсундиради. Масалан, ватанини душмандан озод қилишга интиланган улуғвор мақсадга интиланган инсон ватанпарвардир. Унинг ахлоқи ва ҳаётининг мазмуни айнан ана шу мақсадга қаратилган бўлади.

Бошқа мисол: инсониятни ҳавфли юқумли касалликдан ҳимоя қилишни мақсад қилиб олган ва ҳаётини ана шу мақсадга бағишлаган инсон. Ҳар бир инсоннинг мақсадлари уни маълум ҳатти ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Инсоннинг олдида ахлоқий қадриятлар бўлиб, инсон ана шуларга интилади. Унинг учун бу қадриятлар муҳим, ҳаётида асосий ҳисобланади. Бундай жараёнларда инсоннинг ахлоқий онги уни маълум фаолият ва ахлоқий қадрият томонга йўналтиради ва уни

ахлоқий қадриятга етаклайди. Шундай қилиб, ахлоқий онг инсон ҳатти ҳаракатларини тартибга солади, мақсадига эришишнинг йўлларини кўрсатади.

Инсоннинг бутун фаолияти, ҳатти ҳаракатлари ва фикрлари маълум мақсадга етишга йўналтирилган. Демак, инсоннинг фаолияти ва ҳаёти ахлоқий қадриятларга эришишга қаратилган. Бу нарса ҳам инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ. Улар инсон фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Руссо инсон ахлоқининг тараққиётида ёки ўзгариб боришида унинг мақсадлари муҳим, деб ҳисоблайди. Инсон ҳар бир ҳатти ҳаракатини маълум мақсадлар асосида амалга оширади, асослайди, уларни ижтимоий фикр олдида баҳолайди. Ахлоқий қоидаларда ёки бошқарув жараёнида инсоннинг мақсади, ўзини баҳолай олиши муҳим рол ўйнайди. Инсоннинг ахлоқий англаган ҳолда йўналган ҳатти ҳаракати унинг мақсадини ифода этади. Мақсадлар инсоннинг маълум ахлоқий қадриятларга йўналганлиги ва танловини англатади. Бу ерда ахлоқий баҳолаш ҳам иштирок этади. Ахлоқий баҳолаш инсоннинг турли ҳатти ҳаракатлари доирасида ахлоқий танловини билдиради. Бунда инсоннинг ўз-ўзини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини баҳолаш субъект томонидан ўз ҳатти ҳаракатларини англаб етиш, ҳатти ҳаракатларининг натижаси ва оқибатларини тасаввур қила олиш ва улар учун жавоб бера олиш қобилиятини билдиради. Бу жараёнда инсоннинг виждони, бурч, ахлоқий тарбияси даражаси муҳим ўрин тутаяди.

Мақсадлар доим бошқаларнинг фикрига таянади, уларнинг фикрини ҳисобга олади. Мақсадларнинг қандайлигига жамиятнинг ижтимоий-тарихий шароитлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, мақсад, ахлоқнинг шаклланиши ва инсон ҳаётининг боришида муҳим ўрин эгаллайди.

Руссо айтадики, инсоннинг виждони ва у томонидан бурчни англаб етиши инсон ахлоқини ва жамият ахлоқини тартибга солиб турувчи омиллар ҳисобланади. Улар инсон ўзини назорат қилишининг мезонлари ҳисобланади. Виждон ахлоқни назорат қилишни амалга оширади. Виждон ахлоқнинг юқори даражасини англатади. Виждон билан бир қаторда бурчни англаш ҳам муҳим рол ўйнайди. Бурч инсоннинг ахлоқий мажбуриятларини юқори даражада англай олишини билдиради. Бурч инсондан у ёки бу вазиятларда аниқ ахлоқий ҳатти ҳаракатларни қилишини талаб этади. Бундай жараёнлар баъзан жуда мураккаб бўлиб, инсоннинг бошқалар ва ўзининг олдидаги ахлоқий бурчи ва ахлоқий мажбурияти билан боғлиқ бўлади.

Бурчни англаб етиш инсоннинг ҳаётидаги юксак маъсулиятини ҳам англай олганлигини ифодалайди. Жамиятда ўз бурчини англаб етадиган инсонларнинг кўпайиб бориши ва фаолситини кўпчилик талаб этадиган ахлоқий қоидалар асосида

қурилиши жамиятда тезроқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Бу соҳада жамиятда ижтимоий келишув жараёни муҳим бўлиб, унга асосан жамиятнинг ахлоқи турли томонларга йўналиши мумкин. Бу ҳолатда давлат етакчилари, таниқли кишилар, монарх ёки қиролнинг оиласи, қариндош уруғлари ҳам катта рол ўйнайдилар.

Руссо “Тенгсизликнинг сабаблари”, асарида ҳамма кишилар эркин бўлиши мумкин бўлган жамият ҳақида ёзади. Унинг фикрича, мулк фуқаролик жамиятининг асоси ва шу билан бирга тенгсизликнинг сабабидир. Биринчи марта ўз ерининг атрофини тўсиб, “бу меники”, деб содда кишиларни ишонтирган инсон фуқаролик жамиятининг ҳақиқий асосчиси эди. Пайдо бўлган фуқаролик жамияти энг шафқатсиз уруш ҳаракатларининг театрига айланди.¹

Руссонинг уқтиришича, ижтимоий келишувнинг асосий вазифаси умумий кучлар билан шахсни ва мулкни ҳимоя қилувчи ассоциациянинг энг яхши шаклини излаб топишдан иборат. Бундай ассоциациянинг ҳар бир аъзоси бошқалар билан қўшилиши билан бирга ўз эркинлигини сақлаб қолиш имкониятига ҳам эга бўлиши лозим. Барча кишиларнинг ҳуқуқлари ижтимоий бутунлиқнинг фойдасига хизмат қилади, лекин шу билан бирга ҳар бир шахс “фуқаролик эркинлигини ва мулк эркинлигини” қўлга киритади.² Демак, эркинлик, ахлоқ, кишиларнинг ҳаёти ва жамият ҳаёти ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисалардир.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Руссо хусусий мулк ва иқтисодий муносабатлар соҳасида бозорни либераллаштириш ғоясини таклиф этади. Руссонинг мақсади инсон эркинлигини амалга оширишдан иборат. Унинг учун эркинлик – асосий қадрият, бошқа умуминсоний қадриятлар эса эркинликни қўлга киритишнинг омиллари ҳисобланади. “Либерализм – индивидуал тизимдир, чунки унинг учун олдинги ўринда инсон туради, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотларнинг қадри эса фақат улар томонидан қай даражада индивиднинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилаётганлиги ва алоҳида субъектларнинг мақсадларини амалга ошишига таъсир этаётганлиги билан белгиланади.

Либерализм ўз мақсадларига эга бўлган ва мавжуд эркинликдан максимал фойдаланаётган шахснинг ҳаракатлари эвазига қўлга киритган хотиржамлиги ва ҳатто бахтини ўзининг мақсади деб ҳисоблайди”³. Либерализм – инсоннинг тўла,

¹ История философии под ред. И. Александрова . М., 1945. С. 328.

² Ивин А.А. Философия истории. М.: Гардарики, 2000. 183 б.

³ Ўша жойда. 329 б.

чекланмаган эркинлигини талаб этади, ҳар қандай чеклашни ман этишни, “тенг имконлар жамиятини”, индивидуализмга асосланган жамиятни ёқлайди ва бу нарса шахсий эркинликни бериш, деб тушунилади. Индивиднинг шахсий эркинлиги либерализм учун жамоа ёки гуруҳ эркинлигидан муҳимроқдир. Либерализм “...алоҳида инсоннинг шахсий ташаббуси ва тадбиркорлик руҳини ижтимоий тартибнинг асоси, деб ҳисоблайди. Шунга кўра... либерализмга алоҳида шахснинг субъектив тадбиркорлик ташаббусига қарши турувчи ва унинг энергиясини тўхтатувчи барча ташкилотлар ва регламентларни минимумга келтириш хосдир”¹.

Руссонинг асарлари демократик ғояларнинг тарқалишида катта рол ўйнаган. “Агар тарихга мурожаат қилсак, аниқ айтиш мумкинки, демократиянинг халқ хоқимияти сифатидаги биринчи ғоялари Маърифатчилик даврида ўзининг назарий асосларига эга бўлди. Улар либерализмнинг моҳияти шахснинг “табiiй ҳуқуқларини” тан олишдан иборат бўлган турли шаклдаги назарияларига асосланди. Шу билан бирга либерализм қуйидаги тамойилларга асосланган эди:

- кишиларнинг кўпчилик қисми онглидир;
- индивид сиёсий жиҳатдан гуруҳдан кўра муҳимроқ;
- халқ манфаатларини тўғридан тўғри сайлашлар орқали шаклланган ҳукумат яхшироқ ифода этади”².

Демак, Руссонинг либерализм борасидаги ғоялари шахснинг эркинликларини кўкларга кўтарган, жамият, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий имкониятларни эса ана шу эркинликни қўлга киритишга ёрдам берувчи омил сифатида қараган. Ҳозирги даврга келиб, либерализм ғоялари бутун дунёда бўлиб ўтаётган ижтимоий ўзгаришлар натижасида бошқача моҳият касб эта бошлади. Ҳозирда тарқалган либералистик ғоялар асосан иқтисодий соҳа билан боғлиқ бўлиб, кўпроқ эркин бозорни тарғиб этади.

Руссонинг либералистик ғоялари ўз мақсадларига эга бўлган ва мавжуд эркинликдан максимал фойдаланаётган шахснинг ҳаракатлари эвазига қўлга киритган хотиржамлиги ва ҳатто бахтини ўзининг мақсади деб ҳисоблайди”³. Либерализм – инсоннинг тўла, чекланмаган эркинлигини талаб этади, ҳар қандай чеклашни ман этишни, “тенг имконлар жамиятини”, индивидуализмга асосланган жамиятни ёқлайди ва бу нарса шахсий эркинликни бериш, деб тушунилади. Индивиднинг шахсий эркинлиги либерализм учун жамоа ёки гуруҳ эркинлигидан муҳимроқдир. Либерализм “...алоҳида инсоннинг шахсий ташаббуси ва тадбиркорлик руҳини ижтимоий

¹ Леонтович В.В.История либерализма в России. М.: 1995. 4 б.

² Бессонов Б.Н.Гуманизм и духовное развитие общества. М.: Издательство РАГС, 2006. 20 б.

³ Ивин А.А.Философия истории. М.: Гардарики, 2000.183 б.

тартибнинг асоси, деб ҳисоблайди. Шунга кўра... либерализмга алоҳида шахснинг субъектив тадбиркорлик ташаббусига қарши турувчи ва унинг энергиясини тўхтатувчи барча ташкилотлар ва регламентларни минимумга келтириш хосдир”.

Юқорида қайд этилганидек, глобаллашувнинг эркин бозор иқтисодига боғлиқ жиҳатларини ғоявий асосланишида француз маърифатпарварлари ва жумладан Руссонинг ғоялари улкан таъсир кўрсатди. Унинг асосида эркин бозорни тарғиб этувчи ранг - баранг концепциялар ва уни бутунлай давлат томонидан тартибга солиниб турилиши, унга умуман давлат аралашувига қарши чикувчи назариялар яратилди.

Француз маърифатпарварларининг фикрича, жамиятни ўрганиш жамоавий ахлоқ социология фанининг асоси бўлиши керак, чунки индивидларнинг барчаси ҳам бирлашишга ва ҳамкорлик қилишга интилади. Барча ижтимоий муносабатлар асосида тўрт хил турдаги ўзаро муносабатлар ётади: мусобақа, конфликт, мослашув ва ассимиляция. Улар ҳар қандай ижтимоий тараққиётни бир-бирининг ўрнини босиб алмашувчи тўрт босқичини ифода этади.

Руссо ўз назарияларида эркин иқтисодий бозорни тарғиб қилган. Унинг иқтисодий ғоялари ҳам ХУ111 асрдан бошлаб Ғарб давлатларида кенг тарқалган. Руссо учун жамият бир-бири билан умуман боғлиқ бўлмаган турли индивидиумларнинг йиғиндисидан иборат. Хаосга йўл қўймайдиган индивидуализм либерал, яъни энг яхши жамият. Унда доимий қонун-қоидалар ёки тамойиллар амал қилинмайди: “Эркинлик тамойиллари табиатининг ўзи ҳамма даврлар учун ўрнатилган ва аҳамиятли. Доимий ва ўзгармас қонун қоидалар йўқ”¹. Индивидлар ўзларининг эгоистик манфаатларидан келиб чиқсаларда, улар жамиятга бирлашганлари учун ҳам тезроқ тараққий этадилар. У асарларида давлат ҳимоя этиши зарур бўлган хусусий мулкни ёқлаб чиқади. Жамиятда давлатнинг роли хусусий мулкни ҳимоя қилиш билан чекланиши, жамият аъзолари эса тўла ва чекланмаган эркинликка эга бўлишлари лозим. Шу сабабли ҳам эркин бозорни тартибга солиб турувчи давлатнинг барча функцияларини бекор қилиш лозим.

Эркинлик демократия билан боғлиқ, лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, демократия адолат ва тенгликни тарғиб қилсада, у тўла иқтисодий эркинликни англатмайди. Чунки чекланмаган эркинлик жамиятда хаосга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай эркинлик бурч билан ёнма-ён бўлганда, жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ҳисобга олганда ва шахс томонидан англаниб қонун билан тартибга солиб турилгандагина ҳақиқий эркинликка айланади.

¹ Медведев Ф.А. Дорога к развитию // Вопросы философии. 2008. .№ 10. 13 б.

Руссо ўз асарларида тарих ва тарихий тараққиёт, тарихнинг бошланиши, унда маданиятнинг роли масалаларига ҳам катта эътибор қаратган. Муаллифнинг фикрига кўра, тарих ва маданиятларнинг ўзаро муносабати тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида пайдо бўлган янги ҳодиса эмас. Инсоният шаклланиши жараёни тарихининг ўзи ҳам инсонлар ва маданиятлар муносабатларининг ва янги маданият пайдо бўлишининг натижаси сифатида қаралиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, янги бир маданиятнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнининг ўзи ҳам унеча бўлган маданиятлар таъсирида бир қарши жавоб ёки ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Руссо ўз асарларида тарихий жараёнга маданиятларнинг алмашинуви сифатида ёндашувга асос солинди. Унинг қарашларида тарихда маданиятнинг улкан ролейтироф этилган, деб айтилса бўлади. Мазкур соҳада ҳам Руссо иккита ҳолатга эътибор қаратади. Биринчиси, маданиятни тарихий жараённинг босқичи ва тарих уларнинг кетма-кетлигидан иборат, деб қараб кўпроқ умумийликка урғу берса, иккинчиси тарихни локал цивилизациялар тарихидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда индивидуаллик ва ўзига хосликка урғу беради.

Демак, француз маърифатпарварларининг айтишича, инсоният тарихини бир-биридан фарқ қилувчи ва қайтарилмас маданиятларнинг алмашинуви жараёнидан иборат, деб тасвирлаш мумкин. Ҳар бир мамлакат тарихининг асосида маълум бир маданият ётади. Маданият тирик организм каби туғилиш, ўсиш (ривожланиш), ва сўниш босқичларини босиб ўтади. Ҳар бир маданият ўзига хос, у сўнаётиб тарихий меросга айланади. Бундай маданият ҳар хил бўлиб, уларнинг ҳар бири минг йиллар яшайди. Руссо тарихда маданиятнинг турли шакллари мавжуд бўлганигини таъкидлайди. Уларнинг турли туманлиги юқорида қайд этилганидек маҳаллий кишиларнинг ахлоқи, қарашлари, ўзига хосликлари бир сўз билан айтганда, менталитети билан боғлиқ. Албатта, тарих ва унда маданиятнинг тараққий этиши жараёнига кўп жиҳатдан ижтимоий келишув асосида ташкил топган ассоциация катта таъсир кўрсатиши мумкин. Маданиятлар дини ва ҳудудий белгилар билан фарқланади. Уларнинг ҳар бирида маълум бир ўзаги ёки ядроси мавжуд бўлиб, уларнинг атрофида цивилизацияларнинг ҳаёти шаклланади. Маданиятлар туғилиш, ривожланиш, синиш ва емирилиш даврларини босиб ўтади. Уларнинг ҳар бирининг олдида чақириқ ва жавоб муаммоси туради. Табиий ёки инсоний муҳит цивилизация олдида ўз чақиригини қўяди. Жамиятнинг келгуси ҳаёти эса цивилизациянинг чақириққа жавоб бера олиш қобилияти билан боғлиқ.

Барча чақириқлар иккига бўлинади: табиий муҳит ва инсоний муҳит чақириқлари. Уларнинг қуйидаги шакллари мавжуд: қаттиқ иқлим, янги ерлар, атроф кишилиқ

жамияти томонидан кутилмаган ҳужумлар, доимий ташқи босим ва камситишлар. Руссо уларнинг асосий формуласини ишлаб чиқади: “Чакириқ қанчалик кучли бўлса, стимул ҳам шунчалик кучли бўлади”. Руссо ҳар бир маданият ўзига хос ички тузилишига эга, деб ҳисоблайди. Улар турлича бўлиб, эстетик, диний, техникавий тенденцияларни ифода этишлари мумкин. Масалан, Ғарб мамлакатлари маданияти кўпроқ машинавий ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодий асосларга эга эканлиги билан тавсифланади. “Биз энди бу бизнинг Ғарб жамиятининг бош линияси эканлигини ҳис қилибгина қолмаяпмиз, тўла ва аниқ англаяпмиз. Биз Ғарб маданияти ҳаракатланаётган вақт йўналишининг давомийлигини ҳам аниқ белгилай олмаслигимиз мумкин”.¹

Руссо халқларнинг тарихи уларнинг ўз маданиятига эга эканлиги билан боғлиқлигини таъкидлаб, тарихни маданият сифатида юзага келган, аммо айрим сабабларга кўра бу маданиятлар тараққиётдан тўхтаб қолганлиги сабабли уларнинг тарихи ҳам тўхтаб қолган, деб ҳисоблайди. Чунки уларнинг ўз-ўзини аниқлашга, ўзини ифода этишга ва шу орқали юксакроқ тараққий этган маданият даражасига кўтарилиш учун имконлари бўлмаган. “Руссонинг позициясини маданий плюрализм – инсоният тарихи алоҳида олинган яқка ижтимоий ташкилотларнинг (“цивилизацияларнинг”) мажмуасини ташкил этишига ишониш сифатида тавсифлаш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзининг қайтарилмас йўллари босиб ўтади ва ҳаётини тўла белгилаб берувчи ўзига хос қадриятлар тизимига эга.”²

Руссонинг фикрича, ҳар бир маданиятнинг марказида маданий ўзак бўлиб, унда турли қадриятлар тизими ифода этади. Бундай тизим инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини белгилайди. Жамият индивидларининг онги, фикрлари, ижоди ана шу тизим билан боғлиқ. Ҳар бир маданият ана шундай қадриятлар тизимига ва халқнинг ўзига хос бўлган жиҳатларига таянади. Тарихий жараёнда улар кетма-кет ҳолда бир-бири билан алмашади.

Ҳар бир маданият ўзига хос ва қайтарилмас. У туғилади, юксак тараққиётга эришади ва ўлади. Унинг ўрнида янги, ўзининг қадриятлар тизимига таянувчи маданият пайдо бўлади. Маданиятнинг емирилиши жамиятнинг барча соҳаларида турғунлик даврини бошланишини билдиради. Бу йўл қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: турғунлик, бурилиш, тозаланиш, қадриятларнинг қайта баҳоланиши, қайта туғилиш.

¹ Руссо Жан Жак. Сборник (Пер.с англ.)М.: Прогресс, 2009. 239 б.

² Ивин А.А.Философия истории. М., Гардарики 2000.15 б.

Руссонинг айтиб ўтилган асарларида тарих ва маданиятларнинг турли-туманлиги уларнинг прогрессив характери билан боғлиқлиги эътироф этилади. Уларга кўра, маданий ҳархиллик ва рангбаранглик инсоният тараққиётига хизмат қилади. Демак, Руссони ўз давридаёқ маданий плюрализмга асос солган, деб айтиш мумкин. Руссонинг фикрича, инсониятнинг тарихий тараққиёти ҳамманинг битта йўналишда боришида эмас, аксинча тарихий фаолиятни бирлаштирган тарих сахнаси турли йўналишлардан келиб чиқишида намоён бўлади.¹

Руссо қарашлари ижтимоий – фалсафий фанларда маданий плюрализмга асосланган концепцияларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки маданий плюрализмгина эмас, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва умуман барча соҳалардаги плюрализмни ёқловчи тамойиллар ҳамма миллатлар ва мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Улар демократия, умуминсоний кадриятларнинг устунлигини таъминлаш ва гуманистик глобаллашув мақсадларига хизмат қилади. “Маданий плюрализм этномаданиятлар муносабатларидаги муаммоларни ҳал этишнинг энг перспектив йўналиши: этник идентификациянинг ҳар хил турлари ягона ижтимоий маданий континуумнинг тенг қимматли элементлари сифатида тан олинади...”².

Хулоса

Фалсафа тарихида маърифатпарварлик фалсафаси бир қатор мамлакатларда турли шаклларда юзага келган. Ана шундай маърифатпарварлик давлари ҳам ижтимоий ҳаракат сифатида кўп ҳолларда фалсафий – назарий юксалиш сифатида юзага келди. Ғарб мамлакатларида маърифатпарварлик ҳаракатлари дастлаб Францияда бошланган. Францияда бу жараённинг бошланиши жамиятда барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислохотлар учун шароитлар ва имкониятлар етишганлигини англатади.

Францияда маърифатпарварлик фалсафаси ХУ111 асрда ўзининг чўққисига кўтарилди. Унгача бўлган даврда бу ерда маърифатпарварлик фалсафасига асос солган мутафаккирлардан ХУ11 асрда яшаган файласуф мутафаккирлардан

¹ Данилевский Н. Россия и Европа. М.: Книга, 1991. 87 б.

² Миньёшев Ф.И. Социальная антропология. М.: 1997, Международный Университет Бизнеса и Управления. Братья Карич. 74 б.

маърифатпарварларнинг йўлбошчиси ва назарий маслакдоши Франсуа Вольтер, Пьер Бейль, Жан Мелье каби бир қатор мутафаккирлар француз маърифатпарварлик фалсафасига асос солдилар.

Европада “маърифатпарварлик” атамаси биринчи бор XVIII асрда яшаган француз шоири Ж.Милтоннинг “Йўқотилган жаннат” достонида қўлланилган эди. Мазкур тушунча кейинроқ кенг тарқала бошлади. Шунинг учун ҳам маърифатпарварлик ҳаракати ҳақида гап кетганда, аввал Франция назарда тутилади. XV111 асрга келиб Европа давлатларининг ижтимоий сиёсий тараққиёти ўз навбатида турли ижтимоий, фалсафий ва сиёсий ғояларнинг ҳам юзага келиши натижасида жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари ёки ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни бошқарувчи, ривожлантирувчи қонунларини тушунишнигина эмас, балки турли ижтимоий ислохотларнинг амалга ошириш йўллари ҳамда жамият қурилишининг табиий ва англаб олинган асослари тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг муаллифлари тарих саҳнасига чиқдилар.

Францияда маърифатпарварлик ҳаракатига Вольтер, Бейль, Мелье каби мутафаккирлар асос солган бўлсада, маърифатпарварлик кейинроқ Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гельвеций, Руссо, Кондорсе каби файласуф мутафаккирлар асарларида кенг тараққий этди.

Француз маърифатпарварлари қаторида Монтескьенинг роли улкан. Унинг машҳур асари “Рим қудрати ва қулашининг сабаблари тўғрисида мулоҳазалар” бўлиб, унда муаллиф тарих, тарихий даврлар, тарихнинг тараққий этган даврлари ҳамда турғунлик даврлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида қарашларини ифода этган.¹ Монтескьенинг фикрича, Рим давлатининг қудратини фуқаролик руҳи ва Рим фуқарорларининг эркинликка муҳаббати ва интилиши белгилайди. Рим империясининг қулаши сабаби эса айнан ана шу омилларнинг йўқолиб борганлиги билан боғлиқ. Унинг учун идеал мамлакат Англия ва унинг ижтимоий ҳаёти бўлган.

Монтескьенинг ижтимоий-фалсафий қарашларида асосан икки ғоя муҳим ўрин тутди:

А). Ижтимоий эркинликнинг ва инсон эркинлигининг шарти сифатидаги ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили.

Б). Сиёсатга атроф муҳитнинг кўрсатадиган таъсири тўғрисидаги назария.

Монтескье 1748 йилда ёзилган машҳур “Қонунлар руҳи” номли асарида Монтескьенинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини тўла ва аниқ ифода этилган. Мазкур асар қонунлар тўғрисида муҳим бир бутун қонидани ифодалайди.

¹ История философии. Под ред. Александрова. П.: Наука, 2005. С. 263.

Унда бир томондан, қонун, унинг моҳияти, шаклланиши каби масалалар кўтарилган бўлса, иккинчи томондан, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тузумнинг шаклланиши, жамоат ташкилотлари ва сиёсий муассасаларнинг функцияларининг моҳияти ёритилган. Асарда Монтескье ўз даврининг илғор ислохотлар учун эҳтиёжи кучлилиги ва ислохотларнинг дастурларини ифода этади. Асарда фақат Франция ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ масалаларгина эмас, балки Европанинг сиёсий ва бошқа тараққиёти билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилган.

Қонуннинг руҳи қуйидаги омилларга боғлиқ: ҳудудлар ва мамлакатларнинг тарихий ва табиий шарт-шароитлари турлича эканлиги; ҳудудларнинг катта кичиклиги; ҳукумат томонидан қабул қилинган ижтимоий - сиёсий ва ҳокимият тизими; мамлакат аҳолиси эътиқод қиладиган дини; мамлакатнинг турмуш тарзи ва ахлоқий қоидалари; мамлакатнинг табиати, иқлими ва географик шароитлари.

ХУ111 аср Франция маърифатпарварлари қаторида Мари Жон Антуан Кондорсе фалсафий қарашларида тараққиётда бош ролни ўйнайдиган омил сифатида ақлни эътироф этади. Ақлга таянадиган тараққиёт инсоният учун катта манфаатлар келтириши мумкин. Унинг натижасида қуйидагилар амалга ошади:

- 1.Миллатлар уртасида тенглик ўрнатилиши.
- 2.Синфий тафовутларнинг тугатилиши.
- 3.Рухий ва ахлоқий савиянинг умумий юксалиши.

Француз маърифатпарварларининг йирик вакили Жан Жак Руссо дир. У 1750 йилда Руссо "Фанлар ва санъатнинг вужудга келиши ахлоқнинг яхшиланишига ёрдам берадими?" номли бадиаси учун Дижон академиясининг мукофотини олган. Руссо ўзининг ранг баранг асарлари ва ўзига хос ижтимоий фалсафий қарашлари билан ажралиб туради. Унинг кўплаб асарлари қаторида "Фан ва санъат тўғрисида мулоҳазалар", "Одамлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва асослари", "Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари тўғрисида", "Эмил ёки тарбия тўғрисида", "Икрорнома" каби ижтимоий фалсафий соҳада ёзилган тадқиқотлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Руссонинг қарашларида инсоннинг жамият билан боғлиқлиги, жамиятсиз инсон мавжуд бўла олмаслиги, инсон тараққиётида жамият алоҳида рол ўйнаши каби масалалар муҳим ўрин эгаллаган. Унинг ижтимоий қарашлари нафақат фалсафав, балки социология, тарих, сиёсатшунослик, иқтисод фавнларининг тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Маърифатчилар ичида Руссо жамият билан бир қаторда табиатни ҳам муҳим омил сифатида эътироф этади. Руссо "оркага — табиатга" деган шиорни олға сурди.

Табиат, унинг фикрича, жамият тараққиётининг ҳам асосидир. Чунки жамият, демак инсон тараққиёти учун табиат бош манба бўлиб ҳисобланади. Жамият табиат ривожланиши ёки эволюциясининг асосидир.

Руссо фалсафасида инсонга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Унинг фикрича, инсоннинг табиати яхшиликка қаратилган, унинг моҳияти қанчалик эзгу ишларни амалга ошира олиши билан белгиланади. Руссо оддий одамларнинг кундалик ҳаётдаги оддий қадриятлари ҳисобланадиган оилавий ҳаёт, ҳамдардлик, диний эътиқод ва ҳалол меҳнатларини йирик савдогарлар ва янги фан вакиллариининг бефарқлик, ҳисоб-китоб билан одамларга муомала қилиши ва калондимогликларидан юқори қўяди.

Руссо жамиятда доимий модернизация тарафдори: аста-секин юз берадиган тараққиётни реконструкция қилиш натижасида жамият янада тараққий этади. Бунга боғлиқ ҳолда инсон ҳам ўзгариб боради. Жамиятнинг прогрессив тараққиёти унинг аъзоси бўлган инсоннинг тараққий этишига, мукамал инсон шаклланишига таъсир кўрсатади. Жамият тараққий этиб бориб, маълум сиёсий ташкилотларнинг ташкил топишига олиб келади. Бундай тараққиётнинг якуний натижаси эса сиёсий ташкил этилган жамият бўлади.

Руссонинг асарларида иқтисодий таълимот ҳам акс этган. Жумладан, у хусусий мулкнинг пайдо бўлиши тенгсизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлсада, аслида жамият тараққиётида бир қадам олға силжиш эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, хусусий мулк фуқаролик жамиятининг асоси бўлди ва шу билан бирга тенгсизликни ҳам келтириб чиқарди. Руссо хусусий мулк пайдо бўлишининг оқибатларини қуйидагича изоҳлайди:

1. Жамиятнинг бой ва камбағалларга кескин ажралиши юз берди.
2. Бир-бирига зид бўлган манфаатлар тўқнашуви юз берди.
3. Бойларни камбағалларни эксплуатация қилиб, улар ҳисобидан яшаши ва бошқалар.
4. Бир-бирига қарама қарши бўлган манфаатларни келтириб чиқарди.

Руссо "Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари тўғрисида" асарида инсоннинг эркинлиги масаласини кенг таҳлил этган. Муаллифнинг эътирофи этишича, эркинликка интилиш ҳар бир инсоннинг табиий истаги ва эҳтиёжи. Бундай эҳтиёж инсоният тарихи тараққиётининг даврларида турлича бўлган. Жамият тараққиёти билан бир қаторда эркинлик билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳам ўзгариб борган. Чунки у жамиятда ҳақ ҳуқуқини тобора кўпроқ таниб боради.

Руссонинг ахлоқий қарашлари "Эмил ёки тарбия тўғрисида" ва "Иккунча" номли асарларида ифода этган. Руссонинг фикрича, ахлоқ эркинликни таъминловчи

омил сифатида тараққиёт тарихида муҳим рол ўйнайди ва инсон эркинлиги масаласига бевосита алоқадор. Руссо яшаган даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, капиталистик элементларнинг ривожланиб бориши, жамиятда янги ижтимоий синфларнинг шаклланиши, ижтимоий онг, айниқса, илм-фан, маданиятнинг юксалиб бориши кишиларнинг эркинлик, ахлоқ ва ахлоқий муносабатларига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Руссонинг фикрича, ахлоқ барча онгли мавжудотларнинг асосий хусусияти бўлиб, у барча кишилар учун аҳамиятлидир. Ахлоқ ақлнинг туғма қонунидир. Руссо ахлоқни ижтимоий муносабатлар ва яшаш шароитлари билан боғлайди. Унинг фикрича, ахлоқ мавжуд муносабатларнинг ажралмас жиҳати (атрибути) ҳисобланади. Яъни ахлоқ оила, жамоа, фуқаролик жамияти, давлат ва ҳ.к.лар билан боғлиқ. Ана шундай муносабатлар тизимида инсоннинг ижтимоий фаолияти амалга ошади ва мазкур муносабатлар доирасида инсон маълум мажбуриятларга эга. Яхши ахлоқли инсон, Руссонинг эътирофи этишича, яхши одобли, бошқаларга ёмонлик келтирмайдиган муҳими, бу соҳада жамият талабларига жавоб берадиган инсон. Яхши ахлоқ инсониятнинг мақсадлари ва манфаатларига хизмат қилади. Руссо учун ахлоқ бу оила, жамоа, жамият олдидаги мажбурият ҳисобланади.

Демак, Руссонинг либерализм борасидаги ғоялари шахснинг эркинликларини кўкларга кўтарган, жамият, ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий имкониятларни эса ана шу эркинликни қўлга киритишга ёрдам берувчи омил сифатида қараган. Унинг тарих ва тарихий тараққиёт, тарихнинг бошланиши, унда маданиятнинг роли тўғрисидаги қарашлари бугунги кун учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Демак, француз маърифатпарварларининг ижтимоий ва фалсафий қарашлари фалсафа тараққиётида муҳим босқич бўлган. Уларнинг жамият, инсон ва унинг эркинлиги, давлат, дин ва бошқа соҳаларга оид қарашларини ўрганиш бугунги кун учун ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”. Халқ сўзи, 2014 йил, 16 май. № 95.
2. Каримов И.А. “Мактаб – тараққиёт, маданият ва саодат калити”. \Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. Т.: “Ўзбекистон”, 2004, 276-бет.
3. Каримов И.А. “Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин”. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқ – Халқ сўзи, 1994 йил 8 июль.
4. Каримов И.А. Юсак маънавият- енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000.

Қўшимча адабиётлар:

1. Алексеев П. Панин А. Философия. М.: Наука, 2003.
2. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Т.: Янги аср авлоди, 2010.
3. Билиш назарияси масалалари. Т.: Фан, 1975.
4. Вундт В. Введение в философию. М.: Наука, 1998.
5. Диалектика и современное научное познание. Т.: Фан, 1983.
6. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004.
7. Классическая наука Центральной Азии и современная мировая цивилизация. Т.: Фан, 2001.
8. Миньюшев Ф.И. Социальная антропология. М.: 1997.
9. Рассел Б. История западной философии. Новосибирск, Изд-во Новосибирского ун-та, 1999.
10. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. Т.: Янги аср авлоди, 2008.
11. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Туленов Ж. Диалектика ва тафаккур услуги. Т.: Фан, 1979.
13. Тўйчиев Б. Ижтимоий фалсафа. Т.: Фан, 2010.
14. Фалсафа: қомусий лугат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004.
15. Фалсафа асослари. Т.: Ўзбекистон, 2005.
16. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. Т.: Фан, 1990.
17. Ғарб фалсафаси. Т.: Шарқ, 2004.

18. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: Ўзбекистон, 1995.
19. Философия и методология науки (составитель – Н.Шермухаммедова). Т.: НУУз, 2003.